Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҲИЖЖА, 1-КУН.
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, ЖАВЗО, 12-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 2 ИЮНЬ, СЕШАНБА, 105—СОН • 356 • — НАРХИ: СОТУВДА 1 СУМ 50 ТИЙИН.

Ўзбекистон—Россия

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

30 май куни Москвада, Кремлнинг Владимир залида икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш маросими бўлди.

Сафар олдидан Ўзбекистон Президенти И. Каримов журналистлар билан суҳбатлашиб, жумҳурият истиқлолини янада мустаҳкамлаш, таназзулдан чиқиб олишимиз учун бизга осойишталик зарур, деди. АҚШ, Туркия сингари давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг 109 мамлакати мустақиллигимизни тан олди. Мана, бугун Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида шартнома имзоламоқчимиз. Бозор муносабатларига ўтишда халқимиз ўз меҳнати маҳсулидан етарли баҳраманд бўлиши учун шарт-шароит яратиш вазифаси турибди. Бунинг устига жанубий чегараларимиз хавфсизлиги ҳақида ҳам ўйлашимиз, ички сиёсатни барқарорлаштириш учун ташқи алоқаларимизни мустаҳкамлашимиз лозим. Биз Россия билан ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

— Бугун биз тенг ҳуқуқли икки давлат — мустақил Россия билан мустақил Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини йўлга қўйишни кўзда тутувчи ҳужжатни имзолаш учун бу ерга тўпландик, — деди Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин ҳужжатни имзолаш чоғида сўзлаган нутқида. — Бизнинг вазифамиз ўзаро манфаатдорлик асосида халқларимизнинг келажагини белгилаб олишдан иборатдир. Шуни айтишим керакки, Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардан ўзига хос йўл тутаётганлиги билан ажралиб туради. МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ҳамдўстлигимиз истиқболини ойдинлаштириб берди. Мен Тошкентда, Самарқандда бўлганимда Ўзбекистон бетимсол тарих, бетакрор маданиятга эга йирик давлат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши тарихий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов. — Ҳужжатда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам имкониятлар мавжуд. Бизнинг давлатлараро ҳамкорлигимиз, шубҳасиз, иккала халқ манфаатларига мос бўлиб тушади, яқин келажакда ўз самараларини беради.

Шартнома имзолангандан кейин икки давлат президентлари бу ерда ҳозир бўлган журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Шу куни кечқурун Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Сафар чоғида Президентга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

У. МИРЗАЕР,
ЎзА мухбири.
Москва — Тошкент.

ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИ ҚУРУЛТОЙИ

30 май куни Ўзбекистон Қизил яримой жамиятининг XVII қурултойи бўлди. Жамият раиси У. Т. Воҳидова амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди. Унда республика Қизил яримой жамиятининг янги мақоми қабул қилинди, низомига ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Қизил яримой жамиятининг фахрий раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Илгари хабар берилганидек, 28 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда ҳокимлар, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар ва концернлар, бирлашмалар ва корхоналар, суд ва прокуратура, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда «1992—1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

— Бугун муҳим масалани муҳокама этмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Президенти. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш асосий талаб бўлиб, уни умумий масалалар мажмуидан сира ажратиб бўлмайди. Халқимизнинг ана шу молларга эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Мажлисда ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида, уларнинг эртанги куни, ана шу корхоналар жамоалари олдида кўндаланг бўлиб турган муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида, бошқарувнинг ўзига хос шакллари, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш, хусусийлаштириш масалалари, маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ва иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида батафсил гапирилди.

Республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларини чет элларда валютага сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Чирчиқ капролактамини хорижий мамлакатларга валютага сотиш ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Мажлисда саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларни барқарор йўлга қўйиш масаласи ҳам тилга олинди. Жумладан, республика корхоналарининг чет эл фирмалари билан ўзаро алоқаларни кенг йўлга қўйишлари зарурлиги айтилди. Баъзи саноат корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетаётганлиги, мавжуд ички резервлардан етарли фойдаланилмаётгани ҳақида кескин танқидий фикрлар айтилди.

Сўзга чиққанлар республикада етук мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилаётганлигини, уларнинг билими жаҳон талаби даражасида бўлиши зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда ёшларни хорижий мамлакатларга юбориб туриш учун кенг имкониятлар яратиб бериш лозим.

Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар қандай ҳал этилаётганини ёритишда матбуотнинг ўрни ҳақида ҳам батафсил тўхталди, оммавий ахборот воситалари ишида йўл қўйилаётган камчиликларни таъкидлаб ўтди. Таассуфки, «Ўзбекистон овози» газетаси, айниқса республика телевидениеси бу борадаги ўз вазифасини дуруст адо этаётгани йўқ. Хусусан, телевидение ўз дастуридан ишлаб чиқариш муаммоларига кам вақт ажратмоқда. Мусиқавий кўрсатувлар ҳаддан зиёд кўп. Телевидение ходимлари корхоналарга онда-сонда боришади. Тошкентдаги самолётсозлик ва «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмалари иш тажрибаси ёритилмаётганлигини бунга далил қилиб кўрсатиш мумкин. Экран минбари бир хил тоифадаги одамларга бериб қўйилган. Телевидениеда халқ, давлат манфаати биринчи ўринда бўлиши, ҳаёт нафаси сезилиб туриши керак.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ИККИ ҚИТЪА БИРЛАШДИ

● Арарат тоғи этагидаги Аракс дарёси узра улкан кўприк қурилди.

У Нахичеван мухтор жумҳуриятини (Озарбайжон) Туркия билан боғлайди. Очилиш маросимида Туркия Бош вазири Сулаймон Демирел ҳам қатнашди. «Ушбу кўприк, — деди у, — нафақат Туркия билан Озарбайжонни, балки Осиё билан Европани бевосита боғлайди».

Ҳозирча кўприк орқали туркияликлар озарбайжон биродарларига озиқ-овқат, дори-дармон ташишяпти. Ҳиёл ўтмай ҳарбий ёрдам ҳам келиши ҳеч гап эмас, дейишмоқда.

ПРЕЗИДЕНТЛИК ОСОН ЭМАС

● Борис Ельциннинг «Америка овози»га берган интервьюси кўпчиликни ёқа ушлатди.

«1996 йилда Россияда Президент сайлови ўтказиларкан. Сиз ҳам ўз номзодингизни қўясизми?» деган саволга Ельцин: «Йўқ. Аммо то янги президент сайлангунича истеъфогаям чиқмайман», — деб жавоб қайтарди.

«ДИКТАТОР КЕЛАДИ»

● Собиқ КГБчи Леонид Шебардиннинг интервьюси эса ундан ҳам ошиб тушди.

«Ельциндан кейин ҳокимият тепасига ким чиқишини аниқ айта олмайман, лекин ишончим комилки у, албатта, мустабид бўлади! Чунки Россия экстремал вазиятда яшашга ўрганган мамлакат. Бу ерда қадимдан диктатура анархия билан, сўнг эса анархия мустабидлик билан доимо алмашиб келаверади», — деди КГБнинг собиқ разведка бўлими раҳбари Шебардин.

ТАХТ ВОРИСИ ЎҒИРЛАНДИ

● Бразилия тахти шу кунларда «эгасиз» қолди. Тахт вориси Педуни номаълум кишилар ўғирлаб кетишди.

Бразилия шоҳзодаси ўн уч ёшда бўлиб, мактабда ўқийди. Гап шундаки, яқинда ушбу мамлакатда ўтказиладиган сайловда халқ икки йўлдан бири — ё республика ёки монархияни танлайди. Шаҳзода эса...

БОШ ВАЗИРНИ... АЁЛ ҚУРИҚЛАЙДИ

● Япония Бош вазирининг шахсий соқчилари сафидан Тосино Сузуки ҳам жой олди.

Бундай масъулиятли юмушга Японияда ҳали ҳеч қачон аёл тайинланмаганди. Аммо айтишларича, Тосино ўнта эркакка тенг келаркан! У мерган, чаққон, чайир, айкидо усулларини сув қилиб юборган, ҳамма қуроллардан усталик билан фойдаланади.

ҲОМИЛАДОР БЎЛГАН... ЭРКАК?!

● «Филиппинлик Карлонинг қорнида 6 ойлик ҳомиласи бор»,—хабар беради «Комсомольская правда»нинг Пекиндаги мухбири.

Бўлса бўпти-да, дея таажжубланишингиз табиий. Аммо ажаблантирадигани шундаки, Карло — эркак (у 32 ёшда). Мана энди шу нарса аён бўлдики, у гермофродит, яъни хунаса экан. Улар эса камдан-кам ҳолларда ҳомиладор бўлишади.

ХЎРЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАР

● Хасталарга Россияда ҳаммадан ҳам қийин бўлди.

Улар касалхонада бир кун ётиш учун 500 сўм тўлашлари керак. Бордию кўричакларини олдириб ташлашса, ўн беш минг сўм чўзишлари лозим. Ошқозон операциясининг нархи 30 минг. Дориларнинг баҳосиям осмонга чиқиб кетди. Ҳозир дорихоналар омборида 12 миллиард сўмлик ҳажмидаги энг зарур дори-дармон чанг босиб ётибди. Одамларнинг уларни олишга қурби етмаяпти.

ЭНДИ ҚАЙСИ ШОИРНИНГ ХОТИНИГА НАВБАТ?

● Калугада Пушкин... хотинининг 180 йиллиги нишонланди.

Наталия Гончарова ҳақиқатдан ҳам гўзал аёл эдию, аммо адабиётга мутлақо дахли бўлмаганди. Лекин шундай эса-да, унинг юбилейи зўр тантана билан ўтказилди. Вилоятда ҳар йили май ойида «Наталия кунлари» уюштириладиган бўлди. Бунақанги «тарихий бахт» энди қайси шоирнинг хотинига насиб этаркан?

КАПИТАЛИСТИК ШАНБАЛИККА!

● У шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан ўтказиладиган ушбу шанбалик Гонконг, Токио, Париж, Байрут ва жаҳондаги бошқа «капиталистик» мамлакатлар шаҳарларида бир вақтда бошланади.

«ЎРТА ОСИЁЛИКЛАР БЕЗОРИЛАРДИР»

● Таажжубки, Минск муниципалитетининг хулосаси бу.

У кавказликларниям шундай деб ҳисобларкан, ва шу боис ушбу икки региондан келганларга «Минск» меҳмонхонасидан жой бермаслик хусусида буйруқ чиқарди. Яқинда илмий симпозиумга чақирилган бир гуруҳ озарбайжон олимлари деярли кўчада қолишди...

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимияти идораларини қайта ташкил этиш ҳақидаги»ги қонунига биноан вилоят ҳокимиятининг тузилиши, таркиби ва иш юритиш мақоми тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Ғуломжон Фозилов ахборот берди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар танлашда илгаригидек номенклатура талабларидан умуман воз кечилди. Бу лавозимларга ҳозирги иқтисодий танглик, мафкуравий беқарорлик даврида халқ ишончини қозонган, ишчан ёш кадрларни тавсия қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, вилоят ҳокимининг қонунчилик, жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича ўринбосарлигига Учқўприк районида прокурор бўлиб ишлаётган ёш қонуншунос Муқимжон Жўраев номзоди лойиқ деб топилди. Ҳокимнинг бошқа масалалар бўйича ўринбосарлигига тайинланган С. Аҳмадқулов, А. Мансуров, К. Салоҳиддинов, В. Фен, М. Маҳмудов ўртоқлар ҳам фарғоналикларга яхши таниш. Эл орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилардир. Сессияда вилоят меҳнаткашларига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Сессия ишида Ўзбекистон жумҳурияти Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов иштирок этдилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИ ТАНЛАЙМИЗ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШАББУСИ

«ХАЛҚ СЎЗИ» газетаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳамда жумҳурият ҳукуматининг ҳафтада беш марта чиқадиган расмий нашри. Унга Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган йилда асос солинди ва чоп этила бошланди. Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, жаҳон миқёсига чиқиши, халқнинг маънавий ва маданий жиҳатдан қайта камол топиши газетанинг асосий мавзусидир. Бизнинг газета жумҳурият ойнаси бўлиб, унинг ҳамма жабҳаларидаги ҳаёти тўла акс эттириб борилади. Бинобарин, жумҳуриятнинг кундалик жўшқин, оғир ва мураккаб ҳаёти мумкин қадар ёркин ва холис ёритилмоғи керак. Токи, бизнинг газетамизни қўлига олган ҳар бир муштарий кўпроқ фойдали ахборот, жумҳурият янгиликларидан, хайрли ишлару муаммолардан хабардор бўлсин. Ўзини ташвишлантираётган масала ва муаммолар юзасидан истаган пайтида газетага мурожаат қила олсин, кўнглига тугилган фикр-ўйлари, мулоҳаза ва таклифлари билан ўртоқлашсин. Газета — ахборот манбаи, маслаҳатчи ҳамда истаганда дардлашиш мумкин бўлган дўст сифатида уларга жуда керак.

Ҳадеб нархини ошираверишгани учун ҳеч қайси газетага ёзилишнинг ҳожати йўқ, деган нотўғри фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунончи, Тошкент вилояти ҳокимиятидагилар бу борада шундай фикрдалар: «Жумҳуриятнинг расмий газетаси жамоат ҳаётининг муҳим минбари ва жарчисидир, жамиятдаги вазиятнинг мезонидир, бинобарин унинг аҳамиятини камситиб бўлмайди».

Вилоят ҳокимининг муовини Ҳаким Ҳамидович Ҳамидов буни яхши тушунади. Шу боис 10 июнга қадар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлишга улгуриш зарурлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмади. Бир ойлик обуна нархи 22 сўм бўлса-да, газеталарга ёзилиш шарт ва лозим. Унинг фикри шундай:

— Бундай нуфузли газеталарнинг таҳламлари вилоят, шаҳар ва район ҳокимиятларида бўлиши шарт. Бундан ташқари турли вазирлик ва идораларга қарашли ҳамма ташкилотларда — саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими ва маданият муассасаларида шу газеталарнинг таҳламлари бўлиши керак. Акс ҳолда шундай вазиятлар ҳам бўладики, Президент фармонлари, қонун ёки унинг лойиҳалари, ҳукумат қарорлари, бошқа муҳим ҳужжатлар эълон қилинади-ю, бевосита алоқадор одамлар қўл остларида газета таҳламлари йўқлиги учун узоқ вақт бехабар қоладилар.

Бундай мисоллар оз эмас. У ёки бу меҳнат коллективининг раҳбарлари «Газетангизнинг фалон сонида муҳим мақола эълон қилинган экан, бир нусха топиб беролмайсизларми» дея тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Тўғри, обуна нархи қимматлашиб кетди. Бир йўла бир нечта нашрларга обуна бўлишни ҳамма муштарийларнинг ҳам иқтисодлари кўтаравермайди. Шу боис жамоа бўлиб газета-журналларга ёзилишнинг аҳамияти ўсиб бораяпти. Энди обуна учун юқоридан фармойиш бериш йўқ, раҳбарлар жойларда бу масалани мустақил ҳолда ақл-идрок билан ҳал этмоқлари керак.

Олдимиздан оққан сувнинг қадрига етайлик. Биз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини танлаймиз. Ишонамизки, пойтахт вилояти аҳолиси бизни қўллаб-қувватлайди. Шу ҳафта ҳамма ерда кўпчиликка танилиб қолган ушбу икки газетага оммавий обуна бўлиш ҳафтасига айланади. Ҳокимият иккинчи ярим йиллик ва келаси йил учун обуна муваффақиятли ўтишига бутун чоралар билан кўмаклашади. Яқинда бизда айнан шу масалага бағишланган махсус йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг ҳамма районларидан вакиллар иштирок этдилар.

Юқорида айтилган гаплар умидбахшдир. Газетанинг янги обуначилар, янги дўстлари кўпайишига ишонамиз. Демак, янги муаллифлар сафи кенгаяди, газетанинг мавзулари рангбаранг бўлади, «газета — муштарий — газета» алоқаси мустаҳкамланади, у янада қизиқарли ва ўқишли бўлади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига мадад жамғармаси очилган, у мунтазам фаолият кўрсатади. Қадрли муштарийлар, редакция сизларнинг қимматли таклифларингизни, жумҳуриятнинг ҳамма чеккаларидан шошилинч хабарларингизни кутади.

АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ЭЛЧИЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 20 май. [РАТА — ТАСС мухбири Владимир Матяш]. Президент Жорж Буш АҚШнинг Ўзбекистон ва Қирғизистондаги биринчи элчилари тайинланганини эълон қилди. АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИА) ахборот бюллетенининг хабар қилишича, дипломат Генри Кларк Американинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлади. Сўнгги вақтгача у АҚШнинг Исроилдаги элчихонаси иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаган эди, бундан аввал Бухарестдаги Америка дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари эди, Қўшма Штатларнинг Москвадаги элчихонасида ҳам хизмат қилган.

Узоқ вақтдан бери дипломатия хизматида бўлиб келган Эдвард Гурвиц АҚШнинг Қирғизистондаги биринчи элчиси қилиб юборилади. Аввал у Американинг Қобулдаги элчихонасида ва АҚШнинг Санкт-Петербургдаги консулхонасида хизмат қилган эди.

ДИҚҚАТ:

ОБУНА ФОНДИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Бозор иқтисодиёти шароити рўзномаларни ҳам мушкул ҳолга солиб қўйганидан хабарингиз бор. Гарчанд бақувват муассислари бўлса-да, «Халқ сўзи»нинг ҳам аҳволи кўнгилдагидек эмас. Қоғоз, алоқа хизматлари нархлари ошиб кетиши оқибатида унинг обуна баҳосиям кескин кўпайди. Натижада кўплаб обуначилар севимли суҳбатдошларидан маҳрум бўлишга мажбурлар.

Саховатпешалик ўзбекка ота мерос. Яқинда «Халқ сўзи»нинг доимий муаллифларидан бир нечаси ўз қалам ҳақларини меҳнат фахрийлари, мактаблар ва болалар уйларини рўзномага обуна қилишга сарфлашни сўрашди. Ушбу ташаббус таҳririят қошида «Халқ сўзи» обуна фонди» очилишига сабаб бўлди.

Азиз дўстлар! Қорин қайғуси ҳам ўткинчидир. Иншоолло, замон тинч, меҳнат баракали бўлса, ҳали дастурхонимиз тўкин бўлғусидир. Аммо, маънавий қашшоқликдан худонинг ўзи асрасин. Ҳар қандай зеб-зийнат, олтину кумуш ақлий бойлик ўрнини боса олмайди. Рўзномалар эса сизнинг фикрингизни чархлайди, тафаккурингизни бойитади. Агар орангиздa халқимизнинг маънавий баркамоллиги йўлида холис хизмат қилишни истовчилар бўлса, марҳамат! Бизнинг ҳисоб рақамимиз: 010700607. Тошкент шаҳри Саноат-қурилиш банкининг Меҳнат бўлими.

МФО 172682315

«Халқ сўзи»нинг обуна фонди»га деб ёзишни унутманг.

Ушбу маблағларингиз ҳисобига қўли қисқа одамлар рўзнома, сизлар эса энг нодир неъмат — кўпнинг дуосини олишга мушарраф бўлурсизлар.

Мавлон УМУРЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

МУСТАҚИЛЛИК КЎЗГУСИДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

ХАЛҚИМИЗ—миллатимиз ўз тарихининг ўчмас даврларидан бирини бошидан кечирмоқда. Бугунги кунимиз тарихга олтин ҳарфлар билан ёзилишига шубҳа йўқ, чунки халқимиз ўз асрий орзусини амалга ошириш — мустақил давлатимизни бунёд этиш имконига эга бўлди.

Мустақиллик босқичидаги ўзгаришларни «инқилобий сакраш» деб ифодалаш каби тавсифлар қулоққа чалинади. Бироқ Мустақиллик қамрови тарихдаги инқилоблардан тубдан фарқ қилади.

Октябрь революциясида — 1917 йилги инқилобда бетимсол қонлар тўкилган бўлса-да, бир ўғил миллатим, дея «босмачи» чопонини кийиб — бир ёнда, иккинчи ўғил «қизил аскар» шапкасини манглайига қўндириб иккинчи ёнда қилич чопган эса-да, юртимиз озод бўлолмади. Аксинча, чор Россиясининг зулми ўз шаклини бирмунча ўзгартирган янгича зулмга алмашган эди. Халқимиз йиллар бўйи хўрсиниб, ғоҳ ошкор, ғоҳ зимдан курашиб, мустақиллик орзусида яшади.

Бахтли авлод эканмиз, чин мустақиллик тантана қилган кунни кўриб турибмиз. Жангу жадалларсиз, қонли тўқнашувларсиз тоталитар тузум йиқилиб, одил жамият барпо этилмоқда.

Аммо ҳаммамиз ҳам бу қутлуғ кунларнинг қадрига ета олмоқдамизми? Бу осойишталик замиридаги буюк акс-садони англаб, дил товушига қулоқ солаяпмизми? Айримлар қалбига эмас, чўнтагига нигоҳ ташлаганини кўраяпмиз-ку. Мустақилликни мансаб пойгаси деб тушунаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муаммолар — оғриқли саволлар кўпчилик қатори мени ҳам ўйлантиради...

Агар биз халқимиз озодликка чиқаётган шу кунларнинг қадрига етмасак, ниманинг қадрига етамиз ўзи? Бундай қарахтликдан виждон азобланмайдими? Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов суҳбатлардан бирида айтганларидай: «Қамоқдан ҳам, пичоқдан ҳам қутулиб қолиш мумкин, лекин виждон азобидан қутулиб бўлмайди».

Ҳар қандай жамиятда давлат тузуми ва бошқарув тизими унинг ўз табиатига хос бўлиши табиийдир. Давлат тузуми ва бошқарув тизимида кескин ўзгариш ясамай туриб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда жиддий ўзгариш қилиб бўлмайди. Буни бизнинг республикада Мустақиллик тақозо этган ўзгаришларда яққол кўриш мумкин. Бу борада ўтиш даврида туб ўзгаришлар асосан нималарда кўзга ташланади?

Қаддини ростлаётган давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий мустақиллигини амалда таъминлаш учун жумҳурият давлат органлари ва ҳокимият бошқаруви тизимларида сезиларли ўзгаришлар қилинмоқда. Яккапартиялилик тугатилгач, «қайта қуриш» даврида қўними йўқ ҳокимиятсизлик пайдо бўлгани сир эмас. Бу талотўп амалдорларнинг «мен сендан каттаман, мен сенинг хўжайнингман», деб амал талашишлари, аслида эса ҳеч нарсага жавоб бермасликлари одамларнинг жонига теккан эди. Мана, вилоятлар, шаҳар ва район ҳокимлари сайланди. Энди улар вазиятни батамом қўлга олиб, ҳокимиятсизликка барҳам берадиган вақт келди.

Давлат ва ҳокимият тизими давр тақозосига кўра янгиланмоқда. Куни битган бўғинлар тугатилиб, мустақиллигимиз манфаатларига мос бир қанча тизимлар юзага келди. Жумҳуриятимиз тарихида илк бор ташкил топган Мудофаа ишлари вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Нодир металлар қўмитаси, Божхона хизмати ва бошқа девонлар шулар жумласидандир.

Янгича тузум ва унинг тузилмалари учун тамомила янгича фикрлайдиган кадрлар зарур. Жумҳурият учун қайғурсак, ҳар биримизнинг қалбимизда ўзгариш туғёни бўлиши лозим. Айримлар хоҳлаётгандай тўполон кўчада эмас, аввало юракларда бўлиши шарт. Шу муқаддас тупроқ устида юрган ҳар бир жон ўзини Ўзбекистон фуқароси сезиб, ўз қадами учун масъул бўлсин.

Ҳа, ҳокимлар сайланиши билан, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, салбий таъсир кўрсатган қўшҳокимиятчилик барҳам топди. Қўшҳокимиятчилик аслида ҳокимиятсизликдир, яъни бошқарувни, бўйруқбоз кўп-у жавобгар йўқ.

Ҳокимларнинг аксарияти раҳбарлик ишида суяги қотган, омилкор кишилардир. Айни пайтда улар сафига элликдан ортиқ ёш, навқирон куч ҳам келиб қўшилди. Бугунгидай таҳликали фурсатда мамлакатимизнинг тақдири ҳар биримизнинг қанчалик фидоий ҳаракат қилишимизга боғлиқ. «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади», — деган ҳикмат бор. Ҳокимлик ҳавосидан маст бўлиб, узоқ ўтирмай, ишни тўла қўлга олиш лозим. Фурсат — ғанимат. Одамлар шалдироқ сўзга эмас, ишга қараб баҳо берадилар.

«Ҳолвани ҳоким ейди, калтакни етим», деган мақолни қадимда халқ ғазаб билан тўқиган. Халқ ва ҳокимнинг насибаси битта эканлигини энди тушуниб етадиган пайт келди. Эл сабр-бардошининг ҳам чегараси бор, албатта.

Мен жумҳуриятимизда янгича тизимда олиб борилаётган қадрлар сиёсатига маълум даражада алоқадорлигим туфайли ўзимни ташвишга солаётган айрим хавотирларимни айтиб ўтмоқчиман. Республика Президенти И. А. Каримов жумҳурият ҳокимлари билан бўлган дастлабки учрашувдаёқ улар олдига қўйган ушбу саволлари назаримда, бежиз эмас:

— Нега, айрим раҳбарларимиз оддий одамлар билан инсондай яқин сўзлашишни унутиб қўйганлар? Халқнинг ёнида эмаслар?

— Маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, можаро ва тўполонлар авж олаётганини кўра туриб, идораларининг остонасидан чиқмай, республика раҳбарияти келиб ҳал қилишини кутиб ўтирадиган томошабин раҳбарлар халқ ишончини қандай қозонадилар?

— Нечун айрим вилоят, район ҳокимлари ўз атрофидаги қилни қирқ ёрган таъмагирлар, хушомадгўйлар қучоғидан чиқиб кетолмайдилар?

— Нечун баъзи бир раҳбарлар мақтовни бунчалар хуш кўрадилар-у, тарифга танқидни ҳам жизиллаб кутиб оладилар?

— Лавозим ўзгарса ҳам иш, юриш-туриш ўзгармаганини қандай тушунса бўлади?

Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида, бир қанча ноҳияларда ҳоким тайинлаш енгил кўчмаганлиги кўпчиликка аён. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди, ахир. Жойлардаги айрим раҳбар кадрларнинг ноаҳиллиги, бир-бирининг оёғидан чалиши, бир қўлини саломга чўзиб, бошқасида тош яшириб юргани одамларга қимматга тушмоқда. Наҳотки бизга тариҳ сабоқ бўлмаса?! Буюк ва қудратли темурийлар ҳам ана шундай тахт талашишлар оқибатида барбод бўлганини унутмайлик.

Жумҳурият Президенти бошчилигида олиб борилаётган собитқадам сиёсат натижасида айрим ғаламисларнинг халқимиз орасида миллий низо чиқариш орзуси амалга ошмади. Афсуски, энди улар уруғлар орасига низо солмоқчилар, шекилли, «Фалончи фалон уруғдан», «Фалончи фалон элатдан», деб гап тарқатиб, халқимизнинг, давлатимизнинг келажагини хавф остига қўядилар, ўзларининг мансабга интилишларини у ёки бу уруғнинг, у ёки бу шаҳарнинг манфаатлари билан ниқобламоқчи бўладилар. Оллоҳ ҳам «Фалон шаҳарда фақат ақллилар туғилади», деб уқтирган эмас. Раҳбар уруғи — элатига, миллатигаю туғилган жойига қараб эмас, фаҳму фаросатига, ақлу заковатига қараб танланади. Ислом Абдуғаниевич Каримов: «Ўзбекистонда сотқинлар бўлмасин», деб юртимизни ичдан емирмоқчи бўлганлардан огоҳ қилгани ёдимизда.

Айрим раҳбарлар, афсуски, ишни йиғилиб турган муаммоларни ҳал қилишдан эмас, сайланишларида кимнинг кимга садоқати кўпроқ бўлганини аниқлашдан, ўзларига овоз бермаганларга тазйиқ ўтказишдан бошладилар. Бундай ўчкашлик давлатчилигимиз асосларига хавф солувчи хатодир. Раҳбар майда-чуйда гап-сўзлардан юқори туриши лозим.

Гарчанд масала ўта нозик бўлса-да, муҳолифат (оппозиция) ҳақида ўзимнинг айрим шахсий мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Муҳолифатнинг ҳам мақсади — халқимизнинг бахти, келажаги, фаровонлиги бўлса, бундай кишилар билан қўлни-қўлга бериб ишлаш мумкин. Лекин муҳолифатни ўзининг мансаб, мол-дунё йўлидаги мақсадларига ишлатишга уринаётганлардан эҳтиёт бўлиш керак. Ҳозир: «Менга фалон лавозимни бермасангиз, оппозицияга ўтаман. Жанжал қўзғайман», — дейдиганлар ҳам пайдо бўлмоқда. Куни кеча ўзи раҳбар бўлиб, халқ ҳақида заррача қайғурмаган кишилар бугун оппозиция томонга ўтиб, халқ олдида гап сотмоқдалар. Уларга мансаб беринг, оппозицияни ҳам, халқни ҳам эсидан чиқарадилар.

Ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар тайинланиши пайтида биз буни яққол сездик. Ўз гумашталарини йиғиб, тўполон чиқариб, мансаб олмоқчи бўлганлар ҳам бор. Улар бир тўда ҳамтовоқларининг илтижосини «халқ фикри», «эл иродаси» деб кўрсатмоқчи бўлдилар. Афсуски, раҳбарлар орасида мафиядан, ўғрилардан жирканмайдиганлари ҳам топилиб қолди. Бошқарув тизимига, кириб қолган бундай кимсалар ҳам давлатнинг, ҳам мафиянинг «кўкрагини эмиш»ни хаёл қиладилар. Ҳатто бундай кишилар, ўғрибошиларга алоқаси борлигидан мийиғида илжайиб, фахрланадиган одат чиқардилар. Мансабга чирмовуқдай тирмашиб: «Агар иссиқ ўрнимдан кеткизсангиз, мафияни ишга солиб районни, вилоятни қонга ботираман», — дея тазйиқ ўтказишга уринишларини айтмайсизми!

Ишонаманки, халқимизнинг кўзи тийран, у оқ-қорани кўриб турибди, элимизнинг кучи бундайларни жиловлаб қўйишга етади. Ахир, биз бу мустақиллик онларига осонликча етдикми, энди оғзимиз беминнат нонга етганда, ризқ-рўзимизни мафия ва унинг гумашталари оёқ-ости қилсинми?!

Раҳбарнинг атрофи ҳақидаги фикрлар ўйга толдиради. Бизда, менимча, «шахсга сиғиниш» эмас, мансабга сиғиниш пайдо бўлди. Айримларнинг мансабини олсангиз, жонини олгандай бўласиз, гўё у онадан туғилган-у, шу курсига келиб тушган.

Бугун раҳбарлик қилиш осон эмас. Мадомики, шу юк гарданга тушган экан, халққа яқин бўлмоқ, одамларнинг ишончини қозонмоқ лозим. Бунинг учун гап билан иш бир бўлиши шарт. Раҳбарнинг маҳкамасида ҳар бир инсон учун эшик очиқ бўлиши керак. Халқидан ўзини олиб қочадиган, арз билан келганлардан қўшалоқ эшиклар ортида беркиниб ўтирадиган, одамларнинг аҳволини газеталардан, «пардоз-андоз» билан кўрсатадиган ойнаи жаҳондангина биладиган раҳбарларнинг келажаги йўқдир. Бошқаларнинг фикридан чўчийдиган одам ўзига зарар қилади.

Президент девонида ишлаганим сабабли биламан, шикоят қилиб келувчиларнинг аксари арзлари жойларда ечса бўладиган ишлардир. Айрим маҳаллий раҳбарлар ташаббуссизлик қилибми, такаббурликданми, жўнгина ишларни ҳам битказмайдилар, бечора меҳнаткаш Тошкентга йўл олади. Тушунишимиз керакки, ҳокимият битта, шунинг учун ҳам ҳамма жойдаги раҳбар кадрлар ҳам, ходимлар ҳам давлатимиз, ҳокимиятимиз обрўсини ўйласалар яхши бўларди. Ахир, энг чекка қишлоқдаги раис бирор чўпоннинг кўнглини қолдирса, чўпон бутун ҳокимиятни адолатсиз деб ўйлайди. Бирор магазинчи, дўкондор харидорнинг ҳақини еса, ўша харидор савдо вазирлигини ҳам қаллоб деб ўйлайди. Тақдиримиз бир — агар бирор корхона раҳбари қўполлик, қаллоблик қилса, у эл кўз ўнгида ҳукуматнинг ҳам обрўйини тўкади. Ҳоким эшигидан ноумид бўлиб чиққан ҳар бир фуқаро давлат сиёсатидан ҳам норизо бўлишини унутмаслик керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашуви республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. «Мен эндиги шароитда ўз фуқаролари билан бир ҳудудда яшаб, бирга нафас олмайдиган ҳокимни тасаввур қилолмайман, — деди И. А. Каримов ана шу учрашувда. — Бизнинг аввалги шароитимизда ҳудудма-ҳудуд қатнаб раҳбарлик қилишга ҳам кўникиб кетилган эди. Бундай тоифа раҳбарлар соатбай ишлаган мардикорга ўхшарди. Ҳокимлик бундай раҳбарлик усулларини рад этади. Ҳоким кеча-кундуз ўз ҳудудининг фидойиси бўлиши керак. Унинг иш вақтини ҳам соатлар билан ўлчаб бўлмайди. Ҳоким кеча-кундуз ўз ҳудудидаги ҳамма воқеа учун биринчи навбатда жавобгар шахсдир».

Одамлар билан ишлашни, уларнинг фикрига қулоқ солишни ўрганайлик. Одамнинг шахси, туғилган жойи, миллати, феъл-атвори бизга ёқадими-ёқмайдими, қатъий назар, унинг фикрига, эзгу ҳаракатига ҳурмат билан халқ манфаати нуқтаи назаридан қарашга кўникайлик. «Айтганим-айтган, деганим-деган» принцип раҳбарга обрў келтирмайди. Бугун маҳаллий ҳокимиятларга барча соҳаларда кенг ҳуқуқлар берилди. Кадрлар соҳасида ҳам ҳудудларидаги барча лавозимлар тақдирини улар мустақил ҳал этмоқдалар. Бу ҳуқуқлардан ошна-оғайнигарчилик, қудаандачилик, қариндош-уруғчилик манфаатларида фойдаланувчилар ҳам борлиги афсусланарлидир.

Ўзбекистон Президенти аппаратида ҳам кадрлар билан ишлашда муайян тажрибалар тўпланди, дейиш мумкин. Айниқса, вилоят ҳокимларини танлаш ва сайлаш жараёни ўзига хос тажриба мактаби бўлди. Деярли барча вилоят ҳокимларини танлашда ўнлаб, баъзан юзлаб бообрў кишилар, халқ депутатлари, оқсоқоллар, холис шахслар ва жамоатчиликнинг фикри ўрганилди. Бир раҳбарни танлагунча бутун вилоятни кезиб чиқиш ҳоллари бўлди.

Ўзбекистон Президентининг ана шу тажрибасидан район ва шаҳар ҳокимларини танлаш ва сайлашда вилоят ҳокимлари қай даражада фойдаландилар? Афсуски, ҳамма жойда ҳам ўринли дея олмаймиз. Фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда шошма-шошарлик, бир ёқламалик ҳам сезилиб қолди. Бу тасодифий ҳолми? Бугун Президент номига келиб турган хат-хабарлардан маълум бўлишича, афсуски, тасодифий эмас. Айрим жойларда бу шошма-шошарлик ўз асоратини ҳамон сездирмоқда.

Тўғри, ҳокимлар сайлови хусусида бизда ҳали мукаммал қонунлар йўқ. Бироқ мавжуд тажрибалардан нега унумли ва энг муҳими, холис ниятда фойдаланмаймиз? Кадрлар сиёсатида ҳалоллик ва адолатлилик — энг муҳим мезонлардир.

Ўзбекистон жаҳон майдонига чиқди ва чиқмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биноси қаршисида ҳилпираб турган Мустақил республикамиз байроғи ҳар биримизнинг қўксимизни тоғ қадар кўтармоғи шубҳасиздир. Айни пайтда жаҳон ҳам Ўзбекистон қошига келди, муҳташам пойтахтимизда бир неча элчихона очилди ва очилмоқда. Кўҳна дунёнинг юздан ортиқ давлати Ўзбекистонни расман таниди ва дипломатик алоқалар боғлашга киришди. Бизга яқин пайтлар ичида кўплаб малакали дипломатик кадрлар зарур бўлади.

Ўзбекистон давлатчилигининг муҳим белгиси — унинг ҳарбий қучидир. Иттифоқ даврида миллатимиз вакилларидан ҳарбийлар оз чиқди, ўзимиз ҳам бунга эътибор қилмадик. Аммо энди дунёдаги геополитик вазият ўзгарди, Ўзбекистоннинг кўпсонли дўстлари ёнида айрим ғанимлар ҳам бўлиши эҳтимол. Ўз қўшинига эга бўлмаган давлат мустақил бўла олмайди. Бизга бугун малакали ҳарбий кадрлар зарур. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида 1990—1991 йилларда ерли миллат вакилларидан ҳарбий ўқув юртларига 1276 ўсмир ўқишга кирди, бу кўрсаткич 1991 йилда 1990 йилга нисбатан бир ярим баробар ошди. Кўпгина жойлардаги маҳаллий ҳарбий тузилмаларда ерли аҳоли вакиллари, давлат тилини биладиганлар озчиликни ташкил этади. Тошкент вилояти маҳаллий ҳарбий бошқарув органларида офицерларнинг бор-йўғи 11 фоизи ерлик миллат вакилларидир. Бу кўрсаткич Сирдарёда — 13, Сурхондарёда — 12 фоизни ташкил этади.

Ҳафтаномаларимиздан бирида чоп этилган: «Армия кимнинг ҳисобига, кимнинг ерида яшаяпти?» деган талмовсирашни ўқиб, ҳайрон бўлдим. Мустақил давлат қўшинсиз бўлмайди. Уни боқиш ҳам керак. Доноларнинг шундай ҳикмати бор: «Ўз армиясини боқмаган халқни босиб оладилар ва бу халқ кейин ўзгаларнинг армиясини боқади». Шуни унутмайлик.

Бозор иқтисоди туғдирган муаммолар тумани тарқалишига шубҳа йўқ. Лекин мени моддий муаммолардан ҳам кўра, маънавий масалалар кўпроқ ташвишлантирмоқда. Масалан, ҳукмдор тевараги да бўладиган ўйинларни олайлик.

«Дутор яхши одамнинг қўлига тушса сайрайди, ёмон одамнинг қўлида тингиллайди», дейдилар. Мансаб ҳам шунга ўхшайди. Яхши одам раҳбар бўлса, иш ҳам силжийди, ходимлар ҳам ишлаб чарчамайди. Ёмон раҳбар дилозорлик қилиб, ҳаммани безор қилади. Кейин, раҳбар, булбул бўлиши шарт эмас, унинг қилган ишлари гапирсин.

Социалистик ўтмиш, кўпгина соҳаларда бўлгани каби кадрлар сиёсатида ҳам оғир мерос қолдирди. Мустақиллик кунида ҳам биз унинг асоратидан тўла қутила олмаётирмиз. «Қозиқнинг боши ҳам, учи ҳам калтак ейди, ўртаси маъқул», деган гап ҳам ўтмишда кенг тарқалгани сир эмас. «Қозиқнинг ўртаси бўлиш» ақидасини бугун «Йўлнинг ўртаси»га алмаштирган кишиларни учратамиз. «Йўлнинг ўртаси» нима? Улар ғўё у йўлга ҳам, бу йўлга ҳам қўшилмайдилар, баҳсда бетараф турадилар, пайт пойлаб, ғолиблар қайси йўлдан келсалар «лип» этиб ўша томонга ўтиб олишни кўзлайдилар. Бундай одамлар йўлни қўйиб, девор устидан боришни кўзлаётган йўловчига ўхшайдилар. Деворда-деворга сакраб қаергача бориш мумкин? Деворнинг панасида қачонгача турилади? Ҳар икки қирғоққа баравар оёқ қўяман деган одамнинг ҳоли нима кечишини яхши биласиз. Икки кемани тутган ғарқ бўлади. Халқимиз эса бундай ишларни соддагина қилиб «иккиюзламачи» деб қўяқолади. Агар «иккиюзламачилик»ни касб қилиб олган мансабдор шахс бўлса-чи? У нафақат ўзини, балки бирга ишлайдиган коллективни ҳам тўғри йўлдан чалғитиши мумкин.

Раҳбар киши танқидга тайёр бўлиши лозим. Аммо танқид ҳам ҳар хил бўлади. «Танқид — келажакнинг мевасн», — дейишади. Бироқ қанақа танқид? Ҳамма танқид ҳам мева беравермайди. Баъзан танқид ўша мевани қуритиш қуролига, заҳри қотилга айланади. Шунинг учун танқидга кенг йўл берилганда, сўзга масъулиятни ҳам эътиборга олиш лозим. Шахсий адоват асосида, мансаб талвасасида ёки манфаат илинжида қилинган сохта танқид, тўғрироғи, танқидбозлик кимга керак? У гулга ёпишган зарпечакка ўхшамайдими?

Жамиятда яшаяпсанми, демак, фақат ўзингга ва ишингга эмас, атрофдаги ҳар бир ҳодисага алоқадорсан. «Лоқайдлик — барча иллатларнинг онаси», — дейишади донишмандлар.

Мансаб тевараги даги бир иллат — раҳбарнинг манманлиги бўлса, иккинчиси — қўл остидагиларнинг хушомадгўйлиги дир. Бу икки иллат бир-бири билан боғлиқ. Ходим бошлиғини ялтоқланиб мақтайверса, бечора «хўжайин» ҳам ростдан зўр эканман, деб кеккаяди-да. Диктаторни ҳам атрофдагилар яратади. Раҳбарнинг у ёнидан кириб, бу ёнидан кириб, унга ёқиш учун турли йўллар қидириб, «санъат»ларини шундай ишга соладиларки, бошлиқ «жар лаби»га бориб қолганини сезмайди. Раҳбарнинг кўнглини овлаш мутаълик хусусиятидир. Наҳотки шусиз яшаб бўлмаса?! Бошлиқ мансабда турган пайтда унинг уйдаги итини ҳам мақтаб, оламга жар солишдан тоймайдиган кишилар ҳам бор экан. Бундай мутаъликка ижодий соҳа кишиларининг қўл уриши — бу шахсий мутаълик эмас, ижтимоий фожеадир.

Вилоят ҳокимларидан бири сайлангач, ўша куниёқ вилоятнинг бош рўзномасида «Ҳокимнинг онаси...» деган хушомад ҳиди анқиб турган мақола босилиб чиқди. Хўш, бир муштипар онани эзозламоқчи эканси, мухбиру муҳаррир дўстим, нега сиз ҳокимлик сайловини пойлаб ўтирдингиз? Нечун аввалроқ ёзмадингиз? Шу ҳоким ҳақида «Сизнинг шарофатингиз билан вилоятимизнинг икки минг йиллик тарихида илк бор университет очилди», — деб ёзишибди. Ҳой-ҳой, фақат шу кишининг хизмати эмасдир. Ҳамду-сано ҳам эви билан-да. Икки минг йил университет бўлмаган бўлса, Форобийлар, Беруний-лар, Улуғбек, ибн-Сино, Хоразмий, Бобуру Навоийлар қайда таҳсил олган?! Бизнинг «университет»ларимиз — мадрасаларимиз эмасмиди!

Бироқ ҳаёт шуни кўрсатадики, мансабдорни биринчи бўлиб унинг хушомадгўйлари сотади. Хушомад ва сотқинлик аслида эш ва доимо ёнма-ён юради. Фақат бири иккинчисининг соясида яшириниб бўлади. Бошлиқ тугул унинг қариндошуруғларигача «маслаҳатчи» бўлиб, болаларининг мактабида ота-она номидан қатнашиб туришгача дўндириб келаётган «меҳрибон» бир кунда «бегона»га айланади қолади!

Тўғри, мақтов ёқимли нарса. Аммо, шоир Рауф Парпи ёзганидай , «мақтов— ширин оғу, ширин ўлдирар...»

Юксак мақсадлар учун яшайлик. Умр «латифа» айтиб ўтиб кетмасин. Ишонаман, пайт келади, ўшанда инсон, энг аввало, виждонли, малакали бўлгани учун қадрланади, унинг қариндошу юртдошлиги меҳмондагина эсланади. Шундай кунлар заминини яратиш учун қайғуриш бошланди. Унинг учун аввало мулк ўз эгасига тегиши керак. Агар корхона сизники бўлса, унинг фойда-зарарига жавобгар бўлсангиз, муҳим бошқарув лавозимини ноқобил ўғлингизга топширмайсиз, балки албатта уддабурон, ишбилармон, укувли кишининг қўлига топширасиз. Чунки ишга лаёқатли бўлмаса, ўғлингиз сизни хонавайрон қилиши мумкин. Корхона давлатники бўлса, қув раҳбар имкон борича ўмариш пайига тушади, атрофига ўз қариндош-уруғини йиғади, хушомадгўйларни тўплайди.

Умид қиламанки, биз бозор иқтисодига ўтгач, янгича муносабатлар юзага келади ва бундай иллатлар барҳам топади.

Энди гап аёллар, қариялар ҳақида. Бу муаммо янги тузумда ҳам муҳимдир. Ҳаммамизнинг ёдимизда: ўқитувчи, врач, ишчи ва бошқа соҳалардан аёлларни олиб, комсомол, фирқа ишларига жалб қилардик. Ҳозир уларнинг аксарияти бугунги кунда ўз йўлини топиб кетди, бироқ айримлари катта оқимда муаллақ турибди.

Ҳозир «ғоявий-сиёсий» йўналишдаги ўша баланд лавозимлар йўқ. Бу лавозимларга «ихтисослашган» опа-сингилларимиз энди мутахассислик бўйича эски ишига қайтай деса малакасини аллақачон йўқотган.. Инсон қадри-қиммати ҳамма нарсадан улуғ. Келинг, қийналганларида ёрдам берайлик, иш ўргатайлик, қўллаб-қувватлайлик! Ёдимизда бўлсин: зинадан тепага чиқаётган одам пастга тушаётган одамдан ўз саломини, меҳрини дариғ тутмасин.

Қариялар, бир пайтлар юқори ва қуйидаги турли лавозимларда ишлаган, бугун пенсиядаги кадрларнинг қадри-қиммати ҳақида ўйлаб қоламан. Уларга: «Сиз тоталитар тузумда ишлагансиз, сотқин тузумга хизмат қилгансиз», — деб дилозорлик қилиш нотўғри. Бу бизнинг «афғончи»ларга муносабатимизга ўхшайди. Уларга ҳам бугун: «Сизни КПСС урушга жўнатган, сиз озодлик истаган бечора афғонларни отгансиз», — деб таъна қилувчилар топилиб қолмоқда. Ахир, улар оддий аскарлар-ку! Бу урушда оддий аскарнинг «ҳуқуқи» ва «бўрчи» қандай бўлганини яхши биламиз-ку! Бусиз ҳам уларнинг тилка-пора бўлган юрагини баттар эзмайлик. Аксинча, ўша кунларни бошга солган даврдан сабоқ чиқарайлик.

Худди шундай, ғоявий курашларда жонбозлик кўрсатган қариялариимиз ўйинлардан бехабар, партияга самимий ишонган одамлардир. Уларни қадрлайлик. Меҳр-шафқатли, кенгфеъли бўлайлик. Инсон дунёда қадр-қимматини сезиб яшаши керак. Соддадиллиги учун, мураккаб ҳаётда алдангани учун уларга писанда қилмайлик. Алданганлар ҳам ўзимизнинг боболаримиз ахир.

Мансабидан тушмайдиган одамнинг ўзи йўқ, бировни давр, яна бировни вақт албатта суриб қўяди. Ўшанда биз мансаб ҳовуридан тушиб, албатта, ҳаётдаги ўз ўрнимизга қайтамиз. Ўшанда ҳамма нарса фақат тепадан эмас, балки пастдан ҳам яққол кўриниб туришини англаб етамиз. Ўша кунда барчамиз бир-биримизнинг кўзимизга тик ва дадил қарай оладиган бўлайлик. Биз бу ҳақиқатни қанча барвақт англаб етсак, шунча яхши!

Йиллар ўтади. Мустақил давлатнинг кадрлар сиёсати ҳам такомиллашиб бораверади. «Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади!» деган ҳаёт қонуни ўз кучида қолади. Мустақилликнинг дастлабки одимлари ҳам шуни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

МУАЛЛИФДАН: ушбу мақолани қалам ҳақини «Халқ сўзи» рўзномаси обуна фонди»га ўтказишингизни сўрайман.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг куни кеча бўлиб ўтган кенгашида давлат назоратчилари иш самарадорлигини ошириш, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Қорақалпоғистон республикаси ҳамда вилоятларнинг давлат назорати комитетлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Республика Давлат назорати комитетининг раиси М. М. Мирқосимов ҳамда кенгашнинг бошқа қатнашчилари республика Президенти ва парламенти фармон ҳамда кўрсатмаларининг бажарилишини таъминлашда комитет фаолиятини такомиллаштиришнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Р. Ражабов сўзга чиқди.

А. МУҲИТДИНОВ.

Истиқлол туғи

Қўлни беринг, биродар!

Тавба... Қизиқ замонлар келди, тушуниб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. Аралаш-қуралаш, остин-устун воқеаларни-ку энди қўяверинг. Бундан атиги тўрт-беш йил муқаддам бировнинг хаёлигаям келмасди бу гаплар. Қудратли комфирқа шундоққина кўзимиз ўнгида ҳалок бўлди, «бузилмас иттифоқ» — «порлоқ истиқболнинг муҳташам биноси» тагкурсию миноралари билан ағдарилди. Шуларнинг барида «садоқат камарини боғлаб», ҳатто «жонини фидо» қилишга тайёр хизматда бўлганларнинг кўпи иккиланиб, тортиниб ўтирмай бир юмалашдию ўзларини оппоқ каптарлар галасига урдилар.

Одамлар ҳам бирданига ўзгарди. Ҳамма гапдону билимдон, бирови-бировига ақл ўргатадиган, унисига маъқул тушгани бунисига ёқмайдиган бўлди. Бир ёқда қиммат-чилик, тақчиллик, нархнаво кун сайин осмонни кўзлайди. «Талон» дегани бор эди, мана энди «купон»и ҳам чиқди. Меҳру оқибат, инсофу диёнат, уволу савоб, ҳалолу ҳаром, кишилар ҳақидан ҳазар қилиш каби фазилатлар сусайиб кетди.

Шуларни ўйлаб туриб, баъзан болалик чоғимдаги бир воқеа эсимга тушади. Уруш йиллари эди. Бозордан икки юз сўмга қўл соат сотиб олдим. Ҳиллаки экан сабил, эртаси куни тўхтаб қолди. Қишлоқда уста йўқ. Шаҳар олис. Таваккал қилиб соатни ўзим тузатмоқчи бўлдим. Аввалига бир михни эговлаб, шунга яраша очарча ясадим. Сўнгра бурамаларни, парракларни бирин-кетин олиб, қоғоз устига теравердим. Пахтани атирга ботирдиму, мурватларини артиб чиқдим. Бир маҳал қайтиб жой-жойига қўяман десам, ана холос, қай бирини қаердан олганимни ҳам, аввал қайсисини ўрнатишни ҳам билмайман. Уринавердим. Бу орада икки парракнинг учи қийшайди, бир бурама қўлимдан тушиб, йўқолди .Кеч бўлди, очликдан лабларим гезарди. Бошим қотди. Ниҳоят қопқоқ, паррак бурамалар, барини бир латтага ўраб боғладим. Тугунни ҳовлидаги катта тош устига қўйдиму, болтача билан уравердим. «Ана бўлмаса, ана бўлмаса!...» Роса пачоқлагач, ҳовли деворидан ошириб, токзорга улоқтирдим. «Ана бўлмаса!..»

Бу қайта қуриш ҳам, чамамда, худди шундай бўлди. Бир иш битмай бошқаси бошланаверди, қарорлар, фармонлар, кўрсатмалар, аллақандай ислоҳот лойиҳалари чиқаверди. Нутқу маърузалар, ваъдалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Хуллас, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-маънавий жараёнларнинг ҳамма бурама ва парраклари бир варакай очиб ташланди. Пировардида ўша «усто»нинг ўзи ҳам қай бирини қаердан олгани-ю, қаерга қўйишини билмай қолди.

Буёғини майли дейлик, нима бўлса ҳам баригинаси ортда қолди. Аммо масаланинг алоҳида эътиборга лойиқ бошқа томони бор. Бир ёмоннинг яхши жиҳати ҳам бўлади, дейдилар. Мана, кўриб турибсиз, худди шу қайта қуришнинг аралаш-қуралаш, алғов-далғовлари туфайли мазлум халқлар «қизил империя» ва коммунистик якка ҳокимлик балосидан, мутелик азобидан қутилдилар. Шулар қатори жумҳуриятимиз ҳам қарамлик юкини улоқтириб, эркинлик туғини қўлига олди. Қуёшли Ўзбекистон мустақил бўлди.

Бу мустақилликнинг тарихий аҳамияти айниқса беқиёсдир. Уни чуқур англайиқ бошқа томони бор. Бир мисол кифоя. Кексалар эсласалар керак. Уруш йиллари Берлинда Туркистон легиони тузилганлиги ҳақида овоза тарқалди. Бундан мақсад Олмония собиқ иттифоқ устидан ғалаба қозонса, Ўрта Осиёда шу легион асосида мустақил Туркистон давлати тузилиши керак эди. Мабодо, шундай бўлган тақдирда, биласизми, Худо кўрсатмасин, тарихимиз саҳифасига яна бир ўчмас доғ туширардию, ундан абадий қутула олмасдик. Ҳозирги даврни қўйинг, бундан минг, икки минг йиллар сўнгги авлодлар қайси бир китобни очмасин унинг саҳифасидан «Фалон замонда олмонлар Туркистон халқларини чоризм ва қизил империя зулмидан қутқазган эди», қабилидаги гапларни ўқиб, ўйга чўмардилар, ўксинардилар.

Аммо бугунги мустақиллик тамоман бошқача, худди бир мўъжизадек юз берди. Уни вақтида, қурбонларсиз, боплаб қўлга киритдик. Бировдан қарзимиз ҳам, тили қисиқ жойимиз ҳам йўқ. Шу сабабли ҳам дўстлар, унинг қадрига етайлик. Хушёр туриб, қўлни-қўлга бериб, муқаддас мустақиллигимизни мустаҳкамлайлик...

Аҳмад НАРЗИҚУЛОВ.



Булунғур районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда аҳолининг талаб эҳтиёжлари пухта ўрганилаяпти. Бу ерда маиший хизмат уйлари, тиббиёт бўлимлари, ҳаммом, тегирмон, новвойхоналар ишлаб турибди. Совхоз марказидаги новвойхонада Давурбой Қаршиев ўз оиласи билан меҳнат қилмоқда. Улар ҳар ойда аҳоли дастурхонига 6—7 тонна оби нон тайёрлаб бермоқдалар.

**СУРАТДА: Давурбой Қаршиев (ўнгдан), Неъм

Акс-садо

БУ ЙЎЛДАГИ ҲАРАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КУРАШДИР

Адиб Иброҳим Раҳимнинг «Қачон дадил бўламиз?» деган савол-мақоласидаги фикр-мулоҳазаларига 99 фоиз қўшиламан. Ва қўйидагиларни таклиф қиламан:

— Республика даражасидаги олий идоралардан тортиб кичикларигача барча фармойиш, топшириқ, буйруқ ва ҳоказоларнинг аслини дастлаб давлат тилида тайёрлаш ва ўзига бўйсунувчи ташкилотларга жўнатиш. Уларнинг ижроси ҳақидаги маълумот ва ҳисоботларни фақат ўзбек тилида қабул қилиб олиш;

— вокзал, аэропорт, автостанция, бекат, ошхона, дўкон, муассаса, ташкилот ва ҳоказолар эшигига, жамоат транспорт воситалари пешонаси ва ёнига икки тилда осиб қўйилган кўрсаткичларнинг Ўзбекистон давлат тилидагиси қолдирилсин. (Ахир келган меҳмонлар ўзларини ҳақиқатан мустақил Ўзбекистондаман деб ҳис этсин);

— катта-кичик мажлис-йиғилишларни давлат тилида олиб бориш ва мажлис баённини ҳам ўзбек тилида тайёрлаш (ҳозир қатор йиғинлар шундай ўтаяпти: раислик қилувчи: Ассаломалайкум, здравствуйте. Давримизда ўзбек тилини билмайдиган ўртоқлар ҳам ўтиришипти. Ҳаммага тушунарли бўлиши учун мажлисни рус тилида олиб борсак, деган таклиф бор, дейди ёки қайси тилда олиб борамиз деган **мутлақо ноўрин саволни** ўртага ташлайди. Рус тилида олиб борилсин, дейдиган хушомадгўй, албатта, 1—2 та топилади ва мажлис ўрис тилида олиб борилади, шу яхшими?);

— 1992 йилдан кечиктирмай «Ўзбекистон фуқароси» деган паспорт чиқариш ва шундай муҳим ҳужжатни шахсларга бериш (ҳозир «СССР граждани» деган қонранг ҳужжатни қўйнимизда мажбуран олиб юрибмиз).

— Тил ҳақидаги қонунни кенг кўламда бажариш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Уни ҳаётга тадбиқ қилишни таъминлайдиган ваколатли идора бўлиши керак. Агар шундай вазифа Атамақўмга юклатилган бўлса, унинг ҳуқуқларини кенгайтиришга тўғри келади. Қонунни инкор қилаётганларга тегишли чора кўра олсин.

Ўзбек тили расмий давлат тили ҳуқуқини олган бир пайтда унинг **амалий иш юритиш тили, Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатларнинг ўзаро алоқа-муомала тили бўлиши учун** лоқайдлик қилмай, кимдандир ҳадиксирамай, **ДАДИЛ** курашайлик. Бу йўлдаги ҳаракат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун кураш демакдир.

Эгамберди ШЕРМАТОВ,
Журналистлар уюшмаси аъзоси.



«НАМУНА»НИНГ НАМУНАСИ

Андижондаги «Намуна» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолият кўрсатаётганига эндигина уч йил бўлди. Бирлашма ҳозирги кунда Андижон вилоятидаги йирик корхоналарнинг бирига айланди.

Ўз фаолиятини 50—60 та дастгоҳ билан бошлаган кооператив бирлашма эндиликда 2 мингдан ортиқ дастгоҳларга эга. Аҳолиси зич жойлашган Андижон районидаги Хакан қишлоғи марказида ташкил этилган бу корхонада мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бирлашма асосан кийим-кечаклар, газламалар ишлаб чиқаради. Унинг қошида ташкил этилган ғишт цехи, оҳак цехи, дурадгорчилик цехи ҳам кенг фаолият кўрсатаяпти. Ишнинг бир маромда бориши, хом ашё базасини мустаҳкамлаш ички имкониятларни қидириб топиш учун қулайлик туғдирмоқда. Бу ерда йиллик режалар ортиғи билан уддаланмоқда. Айни кунларда бирлашма ишчилари ойлик маоши 1,5—2 минг сўмга етди.

Келаётган фойданинг бир қисми хайрия тадбирларига, кам даромадли оилаларга, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга берилаётгани бирлашманинг саховатидан далолат бериб турибди.

«Намуна» бирлашмаси март ойининг ўзида Андижон район меҳр-шафқат жамғармасига 20 минг сўм, Андижон вилоят меҳр-шафқат жамғармасига 100 минг сўм миқдорда пул ўтказди. Булардан ташқари бирлашма ўз оталиғига олган Андижон районидаги 4 та ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини рағбатлантириш учун 10 минг сўм пул берди. Бу пуллар бирлашманинг қарори билан кам даромадли оилалардан бўлган ўқувчиларга ва таълим-тарбия ишларида фаоллик кўрсатаётган ўқитувчиларга берилди.

Бирлашма раиси З. Иброҳимов билан суҳбатлашганимда мактабларга берилаётган бундай ёрдамларни кўпайтириш мақсадида эканликларини айтди. Бирлашма ўз оталиғига олган мактаблардан олий ўқув юртига кириб ўқиш истаги бўлган ўқувчиларни бутун ўқиш давридаги сарф ҳаражатларини ўз зиммасига оладиган бўлди.

А. БУЗРУКОВ.
Хўжаобод райони.

САҲОВАТ КЕЧАСИ

Тақдир тақозоси билан ёки қайсидир бағритош кимсалар айби туфайли бугунги кунда болалар уйларида, турли етимхоналарда қўним топган, суннат ёшига етган йигитчаларнинг қўлларини ҳалоллаш, шу баҳонада бу ердаги барча етим-есирлар кўнглини кўтариш мақсадида тантаналар ўтказиш ғоят хайрли, савоб иш. Фарғоналиклар бошлаб берган ана шу яхши удум — кўнгли яримлар учун жамоатчилик, меҳри дарё инсонлар томонидан суннат тўйи қилиб бериш бугун барча вилоятлару туманлараро кенг қанот ёзмоқда.

Ана шундай тўйлардан бири куни кеча Бўка районидаги Йўлдош Охунбобоев номли 15-сон вилоят болалар уйида бўлиб ўтди. Тошкент вилоят ва район ҳокиматлари, вилоят болалар жамғармаси ташаббусига кўра бошланган тадбир бутун бўкаликларнинг, маҳаллакўйнинг улкан тўйига айланиб кетди. Тўй дарагини эшитган узоғу яқиндаги турли ташкилотлар, хўжалик ва муассасалар жамоалари ҳар хил тўёналар, дастурхон тузаш учун зарур масаллиғу турфа маҳсулотлар олиб келишди. Натижада болалар уйидаги етти нафар ёш ўғлоннинг қўлларини ҳалоллаш тадбири ажойиб бир тантана сифатида нишонланди.

Вилоят ва Бўка районидаги кўплаб жамоалар аҳли болалар учун айни шу кунда ва келгусида асқотадиган меҳрибонликлар кўрсатишди. Масалан, вилоят Болалар жамғармаси ва ет-товлон ака-ука учун бошдан оёқ сарпо туҳфа қилган бўлса, райондаги «Дўстлик» ижара хўжалиги бошлиғи Шарифжон Ҳожи Валижонов болаларга зар тўнлар, қийиқча ва дўппилар кийдириб, ҳар бирининг қўлига минг сўмдан ўтказилган ҳисоб дафтарчалари тутқазди. «Барс» Савдо уйининг Бўка район бўлими маъмурияти эса ана шу болалар уйида тарбияланиб, сўнгра ҳар қандай ўқув юртида билим олишга аҳд қилган ёшлар учун ойига 600 сўмдан нафақа тўлаб туришга кафолат берувчи шартномани маскан директори Виктор Имга топширди. Тўй давомида яна кўплаб бундай саховатли ниятлар изҳор этилди.

• Район маданият уйи санъаткорлари ва болалар уйи тарбияланувчилари орасидан чиққан санъат ғунчалари тўй кечасига алоҳида файз бағишлаб туришди. Бундай тадбирлар вилоятдаги бошқа шу сингари масканларда ҳам ўтказилади.

Т. ИСКАНДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁНИНГ ҚУВОНЧИ

Донишмандларимиз бу дунёнинг барча шодлиги бир бола кўзидаги ёшга, барча қайғуси бир бола юзидаги қувончга арзимайди, дейишган экан. Афсуски, бугунги кунда ер юзида икки юз эллик мингга яқин бола кун бўйи овқат излаб эшикма-эшик юради. Уларнинг тенг ярми овқат тополмай тонгни оч қаршилайди. Бу миллион-миллион сўм сарфлаб «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган шиорлар осиб ташланган, инсон қадами ойга етган — XX асрнинг фожиасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда болалар уйлари Улуғ Ватан уруши давридагидан ҳам кўп. Инқилобгача бўлган даврга нисбатан тўққиз баравар ортиқ. Уларда улғаяётган болаларнинг ярмидан кўпроғининг ота ёки онаси ҳаёт. Уларнинг жуда кўпчилиги «фаровон» жамиятимизнинг бюрократик тўсиқлари боис фарзандларини тирик етим қилиш йўлини танлаганлар.

Болалар уйлари яқин совет ўтмишимизда социализмнинг гуманизми сифатида кўкларга кўтарилар эди. Бу «гуманизм» шу даражада қолипга тушган эдики, бу уйлардан ҳар куни ўнлаб болалар қочар, ҳар хил жиноятчи гуруҳларга қўшилиб кетар эди. Уларнинг айни ўрганадиган, ўйнаб-куладиган, ширин орзуларини амалга оширадиган даврлари шу зайлда завол топарди. Булар ҳақида статистика юритилмас, барчаси тасодиф сифатида қабул қилинарди. Ошкоралик боис фикр юритилмоқда, болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида баҳс-мулоҳазалар бўлмоқда. Хайрли ишларга қўл урилмоқда.

Шулардан бири Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Октябрь районида ўтказилди. Район ҳокими Собиржон Абдусатторов ҳамда ҳокимият ходимлари ўзларининг бир ойлик маошларидан болалар уйларининг 41 ўғил-қизига хайрли фонд ташкил этишди. Фермер Ширингул Алиева ҳар бир қизга биттадан рўмол ва ўғил болаларга юз сўмдан пул ҳадя этди. Район касаба қўмитаси 7000 сўм пул ажратди. Буларнинг барчаси ўн маротаба таҳсинга лойиқ иш, албатта. Бироқ шу ўринда баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Ўтган йили ҳам болалар куни муносабати билан болалар уйи тарбияланувчиларидан бирига пул ва кийим-бош ҳадя этилганда у олишдан бош тортди. Ва ҳатто газеталардан бирида у буни ўзи учун ҳақорат деб билиши, бир кунда ҳаммани бирваракайига эсига тушиб қолишини қандайдир сохталик, атайин тадбир деб баҳолашини ёзиб чиқди.

Шу ўринда у ўз таклифини айтиб, ҳадя пуллар болалар уйлари кичкинтойлари ўртасида турли мусобақалар ўтказиш йўли билан берилса, деган эди. Унинг таклифларида ҳам жон бор. Ахир, ҳеч эътибор берганмисиз. Совға олаётган болалар уйининг боласи юзида қувонч билан бирга, қандайдир оғриниш, қимтиниш ҳам зоҳир бўлади. Буни эса оламнинг барча қувончига алишсанг арзийди.

Э. ТЕМИРОВ.
Е. БОТИРОВ олган сурат.

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА...

(МУХБИРИМИЗНИНГ ОЛТИНСОЙ РАЙОН «ШАКАРҚАМИШ» СОВХОЗИНИНГ БОШ МУҲАНДИСИ ЙЎЛДОШ ҚОРАҚУЛОВГА ХУФИЁНА ҲАСРАТИ)

Шикоятингиз билан танишиб, ҳайрон қолдим — менинг кўп йиллик мухбирлик тажрибамда бунақаси бўлмаган эди: бош муҳандис директорнинг устидан арз қилмоқда!

Сурхондарёдаги кўп хўжаликларда мартабали раҳбарлар бири-бири билан апоқ-чапоқ эмас. Аммо айтишларича, улар хуфиёна иш юритишаркан. Агар директор бош муҳандисни ёқтирмаса, бошқаларни унга қарши қайрайди ёки бўлмаса ҳокимият билан келишилади. Агар муҳандис директорнинг ё раиснинг пайига тушса, у ҳеч қачон сизга ўхшаб ошкора кураш олиб бормайди — ўзига яқин одамларни ғанимига қарши қайрайди. Бу — худди собиқ СССР билан Американинг совуқ урушига ўхшайди: сиртдан қараганда ҳеч нарса бўлмагандай, аслида эса ҳамма гаплдан хабардор бўлади. Бундай жанг баъзан авлоддан авлодга ўтиб кетади — шунда ҳам тугамайди. Сиз эса турли-туман идораларга ёзган аризаларингизнинг ҳаммасига қўрқмасдан ўз имзонгизни қўйгансиз, Олтинсой, Сурхондарё миқёсидаги барча идораларга қилган мурожаатларингиз бир чақалик самара бермагач, мухбирлардан умид қилдингиз.

Ҳамма директорлар билан яхши ишладингиз. Аммо яқинда бош ҳосилотликдан директорликка кўтарилган Чори Худойқулов билан келишолмай қолдиларингиз, тўғрироғи, сиз унга ёқмадингиз.

Мен бу ҳақда директор билан гаплашдим. У айтади:

— Аслида Қорақулов тўқсонинчи йили ишдан кетиши керак эди. Аммо ўзимиз ёрдам бериб юрдик. Ўтган йили у отпускага чиқди. Келгандан кейин айтдим, бошқа ишга ўтинг деб. Индамади. Ҳар уч кунда олдимга киради, нима ишни қўйдаланг қилсам кўнади.

Охири бир куни келиб «Мен ўз вазифамда ишлайверайин» дейди. Мен кўнмадим.

Ҳа, директор розилик бермаса... қийин. Фалон-фалон айблари учун ишдан олинди деса ва шу одам айбларига иқрор бўлса, ҳар ким ҳам орқасига қарамай кетаверади. Менимча, Чори Худойқуловнинг сизни, сизнинг кўп йиллик меҳнатингизни оёқ ости қилганлиги кўнглингизни тирнаган — ўзингизни ҳақоратлангандай сезгансиз. Шунинг учун ҳам «Бош муҳандис бўлиб ишлайверамани!» дегансиз. Сизнинг ўрнингизда ўзининг қадрини биладиган бошқа одам бўлганда ҳам шундай гапни айтар эди.

Ҳа, Йўлдош ака, бизнинг жамиятимизда директорлар кўнмагандан кейин... ҳеч ким кўнмайди. Сиз эса лаблунжингиз осилиб, дилингиз қоп-қоронғу бўлиб уйга кетдингиз. Бундай пайтда куннинг ўтиши ҳам, тонгнинг отиши ҳам қийин бўлади. На илож, директорнинг айтганига кўндингиз, аммо таҳқирланган кўнгил билганини қилди — содир бўлган воқеани баён қилиб қоғоз қораладингиз. Белгиланган амалдаги қонунларга мувофиқ уч ой ўтиб бош муҳандислик вазифасига қайтдингиз.

Шундан сўнг мактабда ўқийдиган ўғлингизнинг можаролари бошланди. Сиз тағин қоғоз қораладингиз. Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи ўртоқлардан наф бўлмагач, юқорига ўрлаб кетавердиниз. Яхшиси, Олтинсой ички ишлар бўлимининг бошлиғи Ж. Содиқовнинг номидан битилган бу ҳужжатни эшитинг: «Олтинсой райижроқўми раиси Т. Раҳмоновга, 21 январь 1992 йил. Сизни 18.11.91 йилда МК-616 сонли алоқа хатингизга илова қилинган гражданин Қорақулов Йўлдошнинг шикоят-аризаси атрофлича текширилди. Шикоятда кўрсатилган ўғлимни Худойқулов Чори ва унинг қариндошлари биргаликда урди, деган факт тасдиқланмади. Лекин, Менгниёзов Дамин ва Эшниёзов Салимларнинг безорилик ҳаракатлари содир этганликлари аниқланди. Шунга кўра ЎзССР маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 177-моддаси талабига асосан ҳуқуқбузарликка йўл қўйган гражданлар Эшниёзов Салимга 50 сўм, Менгниёзов Даминга 30 сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек, уларнинг ҳар иккаласи бундан кейин ҳеч қандай ҳуқуқбузарликка йўл қўймаймиз, деб тилхат беришди ва айбларига иқрор бўлиб гражданин Қорақулов Йўлдошдан кечирим сўради».

Далолат беришингизча, ана шундай гаплардан кейин Чори Худойқулов, яъни директорингиз, сизга «Агар яна у ёқ-бу ёққа ёсанг, ўлдиртириб юбораман», деган. Мен директор билан бу ҳақда гаплашдим, у бундай деганим йўқ деди...

Ҳақиқатан ҳам, Чорибой директор бўлгандан сўнг «Шакарқамиш» совхозини ўзгартириб юборди. Илгари совхоз чорвадорлари Сурхондарёга ибрат қилиб кўрсатилар эди. Ўтган йил натижалари бу хўжаликда чорвачилик ночор аҳволга тушиб қолганлигини кўрсатмоқда. Гўшт ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш режалари бажарилмади, олдинги йилдагидан камайиб кетди. Бир йилда ҳар соғин сигирнинг маҳсулдорлиги 672 килограммга камайди. Ана шу ҳисобдан 146 тонна сут йўқолди.

Директор мол боқмайди, сигир соғмайди. Шундай экан, чорвачилик режаларининг барбод бўлишида унинг нима айби бор, бу ишга масъул ўртоқлар жавоб берсинлар, дейдиганларга бундай деймиз: «Шакарқамиш» совхозининг чорвачилигини Ўзбекистонга танитган, йилма-йил кўчма қизил байроқлар олган ишбилармонлар, чорвадорлар бор эди. Чорибой директор бўлиб келгандан сўнг уларни четлаштириб юборди. Шундай одамлардан бири Яхшибой Нормуродовдир. У ўттиз йилларидан бери совхознинг чорвачилигини бошқарди. Аммо ҳеч бир катта раҳбар бу одамни ҳушламади. Чунки Яхшибой ака ҳақида халқ бундай дейди: «Ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди!». Ва ана шунинг учун ҳам бу совхознинг чорваси бутун Ўзбекистонга доврўғ солди. Чорибой директор бўлиб келгандан сўнг секингина ана шу одамни ишдан бўшатиб юборди. Бош зоотехниклик вазифасини тўғишган укаси Мавлон Худойқуловга берди.

Чорибойнинг бу ҳаракати Ўзбекистон Меҳнат қонунларига зидлигини айтган эдим, бундай қонунни мен билмайман, деди. Аммо Мавлонбой тадбиркор экан: ўтган йилнинг ёзида бош зоотехниклиги қабул қилиб олгандан кейин сигирларга таъсири ўтмагани билан товуқларни тартибга келтириб ташлади. Совхозда 1700 та товуқ бор эди. Мавлонбой уларни синовдан ўтказди: 1070 таси тухум берадиган бўлди...

Йўлдош ака, мен қоракўли қўйнинг уч қўзи туғишига ишонаман, аммо «Шакарқамиш» совхозининг товуғи ҳар қайсиси ҳар куни икки-учтадан тухум беришига ишонмайман. Қаранг, сентябрь ойида 1070 та товуқ 49 минг дона тухум берибди! Ёки Муҳиддин қизиқчи айтганидек бу товуқларнинг хўрози ғайратлимикин?

Сиз яна: «Чори Худойқуловнинг иш юритишини билмаганлигидан совхознинг кассаси ҳувиллаб ётибди — ишчилар бир неча ойдан бери иш ҳақини ололмай, оворai-сарсон бўлиб юрибдилар» дейсиз. Мен бу масалани 29 январь куни суриштирган эдим. Пул йўқлигидан совхоз ўшанда сентябрь ойидаги 33.845 сўмлик, октябрь ойидаги 111.210 сўмлик, ноябрь ойидаги 174.249 сўмлик, декабрь ойидаги 470.920 сўмлик иш ҳақини, булардан ташқари 659.470 сўмлик нафақа ва товон пулларини тўлай олмай турган экан. Бўлмаса совхоз ўтган йили 5,4 миллион сўм даромад қилган эди. Ўша пуллар қани, дейсизми? Биласиз, асосий даромад узумчиликдан, бу тармоқнинг даромади ўтган йили 3,4 миллион сўм бўлди. Аммо узумни сотиш чоғида сизнинг иборангиз билан айтганда «Катта ғирромликлар» бўлди.

«Бобур» совхози «Шакарқамиш» билан қўшни, шароити ҳам ўхшаш. Январнинг охирида мен ана шу совхозга борганимда, директори Ражаб Пардаевдан совхознинг кассасида 12 миллион сўм борлигини эшитиб ҳайрон қолган эдим.

— Бунча пулни қаёқдан топдингиз? — дедим директорга.

— Узум сотдик.

— Нега бўлмаса «Шакарқамиш»нинг кассаси ҳувиллаб ётибди

— Уларнинг қандай қилиб ва кимларга узум сотганини билмаймиз. Биз бўлса бундай қилдик: харидор кассага пулни туширади, сўнг узумни юклаймиз. Шакарқамишликларга ўхшаб ҳам узум бериб, ҳам унинг орқасидан илиниб юрмаймиз.

Ўтган йили Денов районида «Ҳамкорлик» деган бир ширкат бор эди. 15 июль куни Чори Худойқулов шу ширкатнинг раиси Парда Мустафоқулов билан шартнома имзолади. Чорибой Пардабойга юз тонна узум, Пардабой эса унга тўрт вагон ёғоч берадиган бўлди. 24 август куни Пардабой Чорибойга 5-номерли ишонч қоғозини олиб келди. У шу заҳоти 100 тонна узумни Пардабойга бериш тўғрисида амр қилди. Орадан икки кун ўтиб Чорибой Москвадаги «Московская Нива» деган ширкатнинг раиси А. Михайловский деган бир одамнинг номига қуйидаги мазмунли хат йўллади: «Биз сизга 100 тонна узум жўнатдик. Ҳисоб-китоб ишларини «Ҳамкорлик» ширкати билан қилаверинг».

Энди ҳайрон қоласиз: Нега Чорибой узумнинг пулидан воз кечиб, уни Пардабойнинг қўли билан олмоқчи? Бунинг сабабларини Пардабой билан Чорибойдан бўлак ҳеч ким билмайди. Биз фақат бир нарсани биламиз — ўша тўрт вагон узумнинг 268 минг сўм пули ҳалиям совхозга келмади. Ўтган йилнинг ёзида бу пулга бутун бошли шаҳар сотиб олса бўларди. Ҳозир эса... Чорибой бундай ҳисоб-китобларни билмайди, деб ўйлайсизми? «Ҳамкорлик» деган ширкатнинг ҳозир бор-йўқлигини ҳеч ким билмайди. Аммо Чорибой саккиз ойдан бери негадир халқни тўплаб Пардабойнинг бошига бормади. Ваҳоланки, ҳеч бўлмаганда шундай қилса бўларди.

Совхознинг марказида ёзги клуб бор эди. Бир жойга қурилиш материаллари лозим бўлиб қолган эди. Чорибой клубни бузиб ишлатиб юборди. Аммо совхозга бир сўм ҳам кирим қилиб ўтирмади. Клубнинг ёғочлари қаёққа кетганини ўзингиз мендан яхши биласиз.

Бир пайтлар довруқли бўлган «Шакарқамиш» совхози кун сайин емирилиб, иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойиб бормоқда. Аммо район раҳбарлари бултур директорни «Жигули» билан мукофотлади.

Айтмоқчи, ҳалиги зотдор товуқларнинг тухуми яна сийраклашиб кетди. Бултур ҳар ойда 40 минглаб тухум берган товуқларнинг бу йил уч ойлик тухуми ўн олти мингга етмади. Совхоз давлатга бир кило ҳам гўшт топширмади. Сут топшириш ҳам ўтган йилга қараганда 16 тоннага камайиб кетди.

Шундай бўлса ҳам Чори Худойқулов яқинда бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойида Ражаб Пардаев билан телевизорга чиқди, «ишларимиз зўр!» деди

Мен ҳам Чорибойнинг бу ишларига ҳайрон бўламан. Лекин бу ҳақда «Халқ сўзи»га бир оғиз ҳам ёзолмайман. Чунки Чорибойни Олтинсойнинг ҳокими ўзининг ўғлидан ҳам яхши кўришини биламан.

Тўғри, баъзан кун сайин ранги бўзариб бораётган халқнинг аҳволини кўриб чин гапларни ёзгим келади: ҳеч бўлмаса бечора халқнинг кўнглига дармон бўлайин, дейман. Лекин дарров ҳушёр тортаман: «туяни шамол учириб юрган экан, бизга ўхшаган мухбирларнинг қўлидан нима иш келар эди...»

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи»нинг мухбири.

Водийларни ёёв кезганда...

ҚАРЗ УЗИЛДИ

● НУКУС. Елувбой Нурсентовнинг фермер бўлганига бир ярим йилдан ошди.

ШУ давр ичида унинг хўжалиги Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалигига 50 тоннадан зиёд сут сотди ва шу билан давлатдан олган қарзидан қутилди. Дастлабки пайтларда атиги бир неча қорамоли бўлган Е. Нурсеитовнинг фермасида ҳозир 15 бош соғин сигир, бир қанча бузоқ ва буқалар боқилаяпти. Уддабурон фермер бу йил давлатга 2 тонна гўшт етказиб бермоқчи.

М. АҲМЕДОВ.

ДАСТГОҲЛАРИ — ХОРИЖДАН

● БУХОРО. Ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасига хорижда келтирилган матоларни оқлаш, юмшатиш, қуритиш линияси ўрнатилди.

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Блингер фирмаси мутахассислари дастгоҳларни келтириб ўрнатишди. Фирманинг тижорат ишлари бўйича минтақа директори жаноб Бругман ишчи ва мутахассисларни линиянинг ишлаши билан таништирди. Бир сменада 50 минг метр мато оқланиб, юмшатилиши ва қуритилиши мумкин. Ҳамма жараёнлар автоматлаштирилган. Линияни 7 киши бошқаради. Қисқа фурсатда маҳаллий мутахассис ва ишчилар дастгоҳларни ишлатишни ўргандилар. Корхона раҳбарларининг айтишича, энди бухороликлар ўз молларини хорижга чиқариш имконига эга бўлибдилар.

Г. ҚУЧҚОРОВА.

СОФ ДАРОМАДДАН МАКАРОН ЦЕХИ

● ЯККАБОҒ. Дон маҳсулотлари комбинати макарон ишлаб чиқарадиган цех қурди.

ЧОҒРОҚ бино тиклади. Хамир қорадиган, макарон чиқарадиган ускуналарни корхона мутахассисларининг ўзлари ўрнатишди. Бу ишларга корхонанинг соф даромадидан 84 минг сўм сарфланди. Ҳозир комбинат белгиси билан дўконларга етказиб берилаётган «Наврўз» макарони аҳолига манзур бўлди.

Оға БЕК.

ҲОЖАТБАРОР КОРХОНА

● ПАСТДАРҒОМ. Чархин қўрғон ҳудудида «Фаровонлик» кичик корхонасининг аҳолидан сабзавот-мева, тери, жун йиғадиган бўлими очиладиган бўлди.

КОРХОНАНИНГ фаолият кўрсатаётганига кўп бўлгани йўқ. Ишбилармонлар тушган даромад ҳисобига тармоқларни кенгайтиришга киришдилар. Шу пайтгача аҳолидан харид қилинган маҳсулотни ўзга ўлкаларга сотиб, ўрнига халқимиз эҳтиёжманд ашёлар келтиришаяпти. Яқинда улар Россиядан 320 тонна балиқ, Павлодардан 300 тонна картошка, Иркутскдан қурилишбоп ёғочлар келтириб район аҳлига сотишди.

Ҳ. ҲАМИДОВА.

• *Одамийлик ўлмасин*

МЕҲР ҚОЛУР...

БУ алғов-далғов дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Ҳатто мансабу шон-шуҳрат ҳам. Фақат шоир айтгандай, инсондан меҳр-мурувват, яхшилик абадий қолади. Навоий кимёвий толаларни қайта ишлаш фабрикасининг директори Яхшибой Қувондиқов билан суҳбатлашиб кўнглимдан шулар ўтди.

— Ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришаётибмиз, деб айта олмайман, — дейди Яхшибой ака. — Лекин ҳар ҳолда ҳозирги бозор иқтисоди шароитида кўрсаткичларимиз ёмон бўлмаяпти. Олинган фойдамиздан, аввало, ишчиларимиз манфаатдор бўлишаётир. Лекин атрофга қарасанг дунё нолаларга тўлгандек. Меҳр-шафқатга зор кўзларни ҳар қадамда учратаман. Шу сабаб имкониятимиз даражасида муҳтож ташкилотларга ёрдам уюштирмоқдамиз...

Яхшибой ака қайси ташкилотларга ёрдам берганини айтмади. Кейинроқ иш юзасидан қатор ташкилотларда бўлганимда Яхшибой аканинг яхшиликларини билиб олдим.

Қувондиқов раҳбарлик қилаётган корхона 1991 йилда Навоий шаҳар фахрийлар кенгашига 700 сўм, биринчи болалар боқчасига 3000 сўм, шаҳар маданият бўлимига 2000 сўм, «Билим» жамиятига 750 сўм маблағ ажратди. Корхона маъмурияти Тошкент шаҳрида даволанаётган навоийлик Ҳайитгул Маҳманазаровани ҳам унутмади. Яхшибой ака бу беморнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида босилган қалб нидоларини ўқиб қолиб, унга 3000 сўм ажратишга қарор қилди.

Бу мурувватпеша корхона 1992 йилда ҳам ўз имкониятларини чамалаб кўриб, меҳрга муҳтож ташкилоту жамиятларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Шу йилнинг уч ойи мобайнида корхона «афғон» жангчилари уюшмасига 5 минг сўм, Карманадаги Қосим Шайх масжидини таъмирлаш учун ҳам шунча маблағ ажратди.

Мен бу рақамларни ёзиб олаётиб, Яхшибой акага ҳазил қилдим.

— Аслида сиз депутат бўлишингиз керак экан-да.

Яхшибой ака қўл силтайди.

— Қўйсангиз-чи, кимга озгина ёрдамимиз тегса улар бизни дуо қилишади. Боболаримиз айтишган: «Олтин олма дуо ол» деб

Яхшибой аканинг юракдан айтган сўзларини маъқуладим. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, фақат яхшилик бир умр эсдан чиқмайди.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Тикланаётган қадриятларимиз*

ШАРҚОНА МЕЪМОРЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ ОЧИЛСА...

Узоқ муддат зулмат қаърида кун кечираётган киши ногаҳон рўшноликка чиқса, кўзи қамашиб қолади. Теварак атрофга синчиклаб назар сола олмайди...

Бундан икки-уч йил олдин Абдуғаффор ота билан суҳбат асносида негадир ҳаёлимдан ана шу фикрлар кечди. Нега шундай? Кўзи қамашганлар кимлар? Қайси зулмат, қанақа рўшнолик?

Ўтган уч юз олтмиш йилдан зиёд муддат бир иморатнинг фатаро бўлмоғи учун етарли албатта.

Бироқ аждодларимиз, биздан фарқли ўлароқ мангулик ташвишини чекканлар, абадият ғамини ўйламишлар. Биз эса... Биз уларни ақалли асрай оляпмизми? Асрашга, умрини узайтиришга азм этганлар қадрига етаётирмизми?

Таъмирчилик бизнинг замон учун нисбатан янги соҳа. Зеро, инқилобчи авлод дастлабки пайтларда ўтмишга тааллуқли жамийки модий ва маънавий иморату иншоотларни аёвсиз бузди: «Байналмилал»да куйлангани каби: «Биз бу дунёни буткул ағдариб сўнгра, янги дунёни қурамиз...» дедик. Ҳолбуки, ҳазрати Сулаймон айтгани каби дунёда ҳеч бир нарса янги эмас, балки ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир.

Уста Абдуғаффор устози, Давлат мукофоти лауреати Шамсиддин Ғофуровнинг қаттиққўллик ва синчковлик ила берган таълимини олгач, Улуғбек мадрасаси бош пештоқининг ғиштқорлик ишларида, Тиллакори мадрасасининг кошинкорлик юмушларида қатнашгач, Улуғбек ва Шердор ёдгорликлари ташқи равоқ чизмаларини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшиб камол топгач, бу улуғ ва хайрли вазифа масъулияти ўн чандон оширилиши лозимлигини теран англаб етганди. У ўтмиш хатоларидан хулоса чиқарди, назария ва амалиётни уйғунлаштиришга интилди. Устози Шамсиддин Ғофуровдан таъмирчилар ўнбошилигини қабул қилиб олгач Бибихоним мадрасаси, Шоҳизинда, Гўри Амир ёдгорликлари нақшларини бутлашда бажарган ишлари қабул комиссияси томонидан юқори баҳоланди. Мустақил ишлашнинг дастлабки қадамлари салмоғи устага куч-мадад берди.

Нодир Девонбеги ёдгорлиги таъмирига киришар экан, у ҳар жиҳатдан мукаммал санъат намунасини кўрсатишга бел боғлади. Бунда аввало Оллоҳ қарамига, уста Абдулжаббор-нинг (Шердор ва Нодир Девонбеги мадрасалари меъмори ва муҳандиси) покиза руҳига сиғинди, устозлари ўгитларини дилга жо қилди. Бироқ...

Архитектура профессори Д. Нозилов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида ҳаққоний ёзганидек, уста иш жараёнидаги тортишувлар; мунозаралар давомида ўз фикри, услубида қатъий турди. У ҳозир кенг русм бўлган оилавий пудрат усулини ўша вақтлардаёқ йўлга қўйган эди. Кечқурунлари оила аъзолари билан кошинбуруш унсурларини кесиб, чархда пардозлаб, тахбин устида териб, ганч қўйиб, андозаларини тайёрлаб, кундузи жойига ўрнатарди.

Дарвоқе, ўғиллари Абдуқаҳҳор, Абдураззоқ, Абдуғани — отанинг қайрилмас қанотлари. Улар ҳам етук таъмирчи усталар бўлиб етишдилар.

Ёдгорликнинг айрим қисмларида 1500—2000 гача фигурали шаклий унсурларни кесиб ёпиштиришга тўғри келди.

Уста ёдгорликнинг ўзидан чиққан эски, аммо асл шакли, пишиқлигини сақлаган ғиштлардан унумли фойдаланишга интилди. Қарангки, буни нотўғри тушунишди, «уста эски ғишт ва кошин ишлатяпти» деб ноўрин эътирозу текширувлар, тўланадиган ҳақни камайтиришлар бўлди.

Уста чекинмади. Қарийб 2000 минг куб метр жойни эски ғиштлардан терди. Натижада мўлжалдагидан 329 минг сўмдан зиёд маблағни тежаб қолди. Тежам сонга эмас, сифатга йўналтирилган бўлганлиги учун ҳам муҳим эди.

Ушбу мисол уста Абдуғаффор батамом эскича усул тарафдори экан, деган тасаввур ҳосил қилмаслиги керак. У зарур ўринларда янгича ишлашнинг ҳам ажиб намунасини кўрсатди. Аввало у мутахассислар билан бирга тайёрлаган лойиҳага кўра кириш пештоқи турфа бўёқли кошинлар, ислимий, гириҳ усулидаги гуллар билан безатилиши лозим эди. Аммо мутахассислар ва халқ усталарининг ҳушёрлиги, маҳорати билан пештоққа икки гўзал оҳу ва икки забардаст шер тасвири муҳрланадиган бўлди. Лойиҳадаги тузатишни уста тошкентлик архитектор Н. В. Ласовская билан биргаликда муваффақиятли амалга оширди. Шунингдек, мадраса томини таъмирлашда уста мавжуд лойиҳалардан воз кечиб, хатаба усулубида ишланган томни замонавий усулда ёпди. Бу усул бино ҳаво алмашиниб туришини осонлаштиради, намгарчиликдан сақлайди, демак, умрини узайтиради. Уста обида пойдеворини мустаҳкамлаш бобида ҳам лойиҳада кўзда тутилмаган янгиликларни қўллади.

Хўш, бу янгиликлар, ташаббус ва кашфиётлар ўжарликми, таваккалчиликми, беҳуда ҳайю ҳавасми?

Йўқ. Улар узоқ йиллик илмий-назарий изланишлар самараси эди. У Шарқ меъморчилиги тарихи, анъаналарига бағишланган қадимий рисолаларни қунт билан ўрганди. Москов, Санкт-Петербургдаги Оврупо архитектура санъати салафларидан сабоқлар олди, чет элларда шу соҳаларда тўпланган тажрибаларни баҳоли қудрат ўрганди. Рўзномаларга мунозаравий мақолалар ёзди.

1983 йилда Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриётида Абдулғаффор Ҳаққулов қаламига мансуб «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» номли рисола босилиб чиқди. «Китобда таъмир устакорлиги, устахона, таъмир асбобларидан фойдаланиш услуби, тарихий-маданий обидалар меъморчилиги, гумбазлар, равоқлар, пештоқлар ҳақида вақт емирган қўҳна биноларга иккинчи ҳаёт бахш этиш ҳақида фикр юритилади» деб ёзади муаллиф ўз сўз боши-сида.

Кейинроқ у Мирзо Улуғбек номли Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида ўргатиладиган меъмор-таъмирловчи ихтисоси учун қурилиш ўқув дастурини яратди. Ва ниҳоят, бултур «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Таъмир санъати» рисоласи вужудга келдики, унда уста ушбу қадимий ҳамда нисбатан ёш касб маҳоратининг сир-асрорларини атрофлича баён қилиб берди.

Китобда бу соҳага ўз умрини бағишлаган Абдулла Болтаев, уста Ширин Муродов, Шамсиддин Ғофуров, Қули Жалилов, Болта Жўраев, Усмон Икромов, Пўлат Зоҳидов сингари фидоийлар номлари иззат-икром билан тилга олинади. «Модомики, маданият ёдгорликларининг тақдири бизнинг қўлимизда экан, энг шарафли касб соҳиби — меъмор деган номни сидқидилдан оқламоғимиз керак», деб яқунлайди ўз китобини уста. Ўзи эса ана шу номга садоқатини Нодир Девонбеги мадрасасини аъло даражада таъмирлаш билан исботлади.

Алқисса, 1986 йил Наврўз арафасига қайтайлик. Қарийб саккиз йиллик машақатли меҳнат ва изланишлар ҳосиласи — буюк санъати кошонаси кўрку жамолини, жозибасини тиклаб, умрбоқий бўёқларини кўз-кўз қилиб, салобат солиб турар эди.

Ўтган йили вилоятда чиқадиган «Зарафшон» рўзномасида яхлит саҳифалик эълон босилди. Унда шундай сатрлар бор: «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» Абдулғаффор Ҳаққулов мактабига ўқувчилар қабул қилинди. Самарқанддаги Нодир Девонбеги мадрасаси қошида меъморчилик санъатини (таъмирлаш сирлари, ганчуймакорлик, наққошлик ва ҳ. к.) ўрганиш бўйича махсус курслар иш бошлади. Ўқиш муддати икки йил. Ўқиш давомида касбларни аъло даражада ўзлаштирган толибларга 250 сўм (ўша пайтдаги нархларда) маош белгиланади. Ушбу курсларни битирганларга Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти томонидан махсус гувоҳнома берилади».

Яқинда ана шу мактаб битирувчиларидан дастлабки гуруҳларига гувоҳномалар топширилди. Улар энди вилоятнинг, қолаверса, республикамизнинг турли бурчакларидаги меъморий обидалар таъмирида ишлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Фикримизча, Абдулғаффор Ҳаққулов мактабига республика миқёсида иш кўрувчи таълим даргоҳи мақоми берилса, унга Ўзбеистоннинг ҳамма вилоятларидан, қолаверса, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан талабалар жалб этилса, мақбул бўлур эди. Чунки таъмирчи-меъмор бутун Шарқ мамлакатларида ғоят зарур бўлган ноёб касб саналади. Орзуга айб йўқ. Ажабмаски, кун келиб Самарқандда уста Абдуғаффор мактаби заминида шарқона бир меъморий дорилфунун очилса.

Ўтган йил ниҳоясида устани вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов таклиф этиб, узоқ суҳбат қурди. Самарқандннинг бебаҳо обидалари — Бибихоним, Ҳожи Абду Берун ёдгорликлари таъмири ҳақида сўз борди. Уста бутун куч-қуввати, имконини миллий қадриятлар тикланиши учун сарфлашга азму қарор берганини ва бу аҳддан асло қайтмаслигини, фарзандлари ҳам шу йўлда собит эканликларини билдирди. Ўз навбатида ҳоким ҳам эзгуликларни, халқ ҳунармандлари, санъаткорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Бу яхши, албатта. Аммо меъморий ёдгорликлар нафақат Самарқандда, балки Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Қўқон, қўйингки, ўлкамизнинг ҳар бир шаҳру қишлоғида мавжуд. Уларнинг барчасини таъмирлаш, лоақал ҳозирги ҳолатида сақлаш бугун ҳар қачонгидан кўра ғоят муҳимдир. Бас шундай экан, уста Абдуғаффор Ҳаққулов сингари халқ меъморлари бошини қовуштириш, тажрибаларини кенг оммалаштириш, меҳнатларини эъзозлаш, қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш зарур, деб ўйлаймиз. Ана шунда халқ меъморчилиги, ҳунармандчилиги мактаблари сони кўпаяверади, уларда ўқиш иштиёқи борлар сафи кенгаяди. Бу эса ўз навбатида миллий ўзлигимизни англашимизга, қадриятларимизнинг истиқболдаги муҳташам иморатларини бунёд этишга хизмат қилади.

Ҳабиб ТЕМИР.

Уста Абдуғаффор Ҳаққулов шогирдлари билан иш устида. Ғулом АЛИ суратга туширган.

Халқ сўзи ва Тошкент биржасининг ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикасидаги илк бор тузилган ва энг катта «Тошкент» биржаси ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. У энди йиллик фаолиятини нишонлаш арафасида турибди. Шунга қарамасдан, мазкур биржанинг иш фаолияти билан кўпчилик таниш, унинг нималарга қодирлиги аллақачон эл оғзига тушган.

Унинг обрўси нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳамда МДҲ давлатлари ишбилармонлари орасида ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳатто чет эллик машҳур ишбилармонлару кўзга кўринган ширкатлар, қўшма корхоналар ва ассоциациялари ҳам «Тошкент» биржаси билан ёнма-ён ишлаб, рақобатлашишга бел боғлаб, ўз режаларини унинг режаларига мослаштириб, тижорат хусусида иш олиб бормоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, «Тошкент» биржасининг обрў-эътибори ва нуфузи тобора ошиб, даромадию республикага хизмати ошмоқда. «Тошкент» биржаси — бу олий даражадаги ишбилармонлик ва ишбилармонлар марказидир.

Шу боисдан ҳам қўйида эълон қилинаётган танлов бу фикрларнинг ёрқин ифодасидир. Унинг биржа фаолиятини батамом кўрсатиб, ҳар томонлама намойиш қилишда хизмати катта бўлади. Шу орзу-умидларни яна бир бор эл орасида тарқатиш, маълуму машҳур қилиш ниятида **«Тошкент» биржаси, «Халқ сўзи»** рўзномаси, **«Биржевой вестник Востока»** ҳафтаномаси ва **«Умид»** ОСҚ жамоалари **«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?»** танловини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

Шундай қилиб, сизни жаноблар, танлов кутмоқда!

Жаноблар! Жавобларингизни қуйидаги манзил: **700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй, «БВВ» ҳафтаномаси — «Танловга»** деб жўнатинг!

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Мазкур танловда каттаю кичик, талабаю ишчи, хуллас унинг ташкилотчиларидан бошқа — барча касбкор соҳиблари қатнаша оладилар.

Танлов қатнашчилари «Тошкент» биржаси хусусидаги маълумотларини кўпчилик билан баҳам кўрадилар. Қуйида эълон қилинаётган саволларга тўлиқ жавоб берганларни мукофотлар, совринлар, қимматбҳао совғалар ва пул ютуқлари ҳамда «Халқ сўзи» рўзномси ва «БВВ» ҳафтаномаси обунаси кутмоқда.

ТАНЛОВ СОВҒАЛАРИ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

— 10 дона «Халқ сўзи» рўзномасига обуна;
— «Умид» ОСҚнинг бир йиллик учта суғурта полиси;
— 1500 сўм пул ютуғи (Ҳомий «Карвон» савдо уйи);
— «Жаҳон» БКнинг 3000 сўмлик қимматбаҳо совғаси;
— БК 005 «Консенсус ЛТД»нинг 1500 сўмлик қимматбаҳо совғаси ва бошқа совғалар;
— 3 дона «БВВ» ҳафтаномасига обуна;
— Бошқа ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари;
— Энг муҳими, «Тошкент» биржасининг олий мукофоти.

Танлов ғолиблари «Тошкент» биржасига таклиф қилинадилар, «давра столи» атрофидаги йиғилиш телевидение ва радио орқали ёритилади.

Эслатиб ўтамиз: жавобларни фақат 20 июнгача юборишингизни сўраймиз. 20 июндан кечиккан жавоблар эътиборга олинмайди. Танлов саволлари пастида жавоблар ҳам берилган. Сизнингча, мазкур жавобларнинг қайси бири тўғри бўлса, тагини чизинг! Агар қўшимча тўғри жавоблар бўлса, ҳар бир савол ёнидан ёзиб қўйинг!

Анкетани ҳам тўлдиришни унутманг! Имкон борича суратингизни ҳам илова қилсангиз яхши бўларди!

БИЗ СИЗ ҲАҚИНГИЗДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Танлов саволларига жавоб қайтариш билан бирга, ўзингиз ҳақингизда маълумот беришни ҳам унутманг!

1. ИСМИ ШАРИФИНГИЗ? _____
2. КАСБИНГИЗ? _____
3. ЕШИНГИЗ? _____
4. УЙ АДРЕСИНГИЗ? _____

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ! СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ТАНЛОВ САВОЛЛАРИ

1. «Тошкент» биржаси қачон ташкил топган?
1. 1991 й. 2. 1992 й. 3. 1990 й. 4. —?

2. «Тошкент» биржасининг таъсисчилар сони?
1. 28 2. 43 3. 61 4. 77 5. —?

3. «Тошкент» биржасининг акционерлар сони?
1. 32 2. 33 3. 57 4. 89 5. — ?

4. «Тошкент» биржаси Акционерлик жамияти очиқ тоифадами ёки ёпиқ тоифадами?
1. Очиқ. 2. Ёпиқ. 3. Очиқ ҳам эмас, ёпиқ ҳам эмас.

5. «Тошкент» биржаси акцияларининг номинал қиймати?
1. 5.000 сўм. 2. 10.000 сўм. 3. 15.000 сўм. 4. 100.000 сўм. 5. 200.000 сўм. 6. 1,2 млн, сўм. 7. 2,8 млн. сўм. 8. — ?

6. «Тошкент» биржаси мол бўлимидаги брокерлик ўрнининг номинал қиймати?
1. 100.000 сўм. 2. 105.000 сўм. 3. 130.000 сўм. 4. 1 млн. сўм. 5. 2,8 млн. сўм. 6. — ?

7. «Тошкент» биржаси фонд бўлимидаги брокерлик ўрнининг номинал қиймати?
1. 100.000 сўм. 2. 105.000 сўм. 3. 130.000 сўм. 4. 1 млн. сўм. 5. 2,8 млн. сўм. 6. — ?

8. Ўзбекистон Республикасидаги илк бор тузилган «Тошкент» биржасининг тўлиқ номи?

9. «Тошкент» биржаси мол бўлимидаги брокерлик ўрнининг курс бўйича нархи?
1. 100.000 сўм. 2. 105.000 сўм. 3. 130.000 сўм. 4. 1,2 млн. сўм. 5. 2,8 млн. сўм. 6. — ?

10. «Тошкент» биржаси фонд бўлимидаги брокерлик ўрнининг курс бўйича нархи?
1. 100.000 сўм. 2. 105.000 сўм. 3. 130.000 сўм. 4. 1,2 млн. сўм. 5. 2,8 млн. сўм. 6. — ?

11. «Тошкент» биржасида биринчи расмий савдо қачон бўлиб ўтган?
1. 1991 й. май 2. 1991 й. июнь 3.1991 й. июль 4. —?

12. «Тошкент» биржасининг фонд бўлимида биринчи расмий савдо қачон бўлиб ўтган?
1. 1992 й. январь 2. 1991 й. июнь 3. 1992 й. февраль 4. 1992 й. март. 5. — ?

13. «Тошкент» биржаси АБСАҚ, Биржалар Конгресси, Минтақалараро биржалар уюшмасига аъзо бўлганми?
1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Фақат АБСАКга.
4. Фақат биржалар Конгрессига. 5. Фақат Минтақалараро биржалар уюшмасига. 6. —?

14. «Тошкент» биржасининг чет эллик акционерини биласизми?

15. «Тошкент» биржасининг мол бўлимидаги чет эллик брокер-ўрни эгасини биласизми?

16. «Тошкент» биржаси имтиёзли акцияларни чиқарадими?
1. Ҳа. 2. Йўқ.

17. «Тошкент» биржаси қаерда жойлашган?

18. «Тошкент» биржасининг Устав фонди?
1. 100 млн. сўм 2. 40 млн. сўм 3. 60 млн. сўм 4.80 млн. сўм 5. 1 млрд.сўм 6. —?

19. «Тошкент» биржаси қайси рўзноманинг таъсисчиси?

20. «Тошкент» биржасининг шуъба корхоналари?
1. «Қамолат» биржаси. 2. «Термиз» биржаси. 3. «Қамолат» ва «Термиз» биржаси.

21. «Тошкент» биржаси қайси Савдо уйи таъсисчиси?
1. «Карвон» Савдо уйи. 2. «Барс» Савдо уйи 3. «Карвон» ва «Барс» Савдо уйлари

22. «Тошкент» биржаси қайси суғурта жамиятининг таъсисчиси?
1. «Умид» ОСҚ 2. «Ризико» 3. «Умид» ОСҚ ва «Ризико»

23. «Тошкент» биржаси қайси банк таъсисчиси?
1. АМАКбанк 2. «Турон» 3. АМАКбанк ва «Турон».

24. 1992 йилги Наврўз байрамини нишонлашга «Тошкент» биржаси қандай миқдорда маблағ ажратди?
1. 100.000 сўм 2. 400.000 сўм 3. 200.000 сўм 4. 500.000 сўм 5. — ?

25. «Тошкент» биржасининг мол бўлимидаги савдолар ҳафтанинг қайси кунлари бўлади?

26. «Тошкент» биржасининг фонд бўлимидаги савдолар ҳафтанинг қайси кунлари бўлади?

Ўзбекистон Давлат матбуот Комитети жамоаси Навоий вилояти матбуот бошқармаси бошлиғи Қ. Ҳасановга отаси **Ҳасанбек АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университетининг биология факультети жамоаси биохимия кафедрасининг доценти И. Саъдуллаевга ўғли **БАХТИЁРнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндошуруғларига сабру қалоат тилайди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

• Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди: 21.30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12